

Аёллар —
ҳаётимизнинг
чироғи,
умримизнинг
гулидир.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2013-yil 26-yanvar, shanba № 8 (8553)

БУЮК БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз опа-сингиллар, муҳтарам аёллар!

Авваламбор, сизларга — Ўзбекистон хотин-қизлари республика конференциясининг барча иштирокчиларига, сизларнинг тимсолингизда бутун мамлакатимиз аёлларига ўзининг чуқур ҳурматини билдириб, анжуман ишига катта муваффақиятлар тилайман.

Бундан йигирма бир йил олдин ташкил топган Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ўзининг жойлардаги бўлимлари ва тузилмалари билан бирга ўтган қисқа давр мобайнида, айтиш мумкинки, ўта муҳим ва масъулиятли, улкан вазифаларни амалга оширишда кўпгина ютуқ ва марраларга эришди. Бу ташкилотнинг мамлакатимиз аёлларининг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш борасидаги кўп қиррали фаолияти, ҳақон хотин-қизлар ҳаракатининг эътибор марказида турган долзарб масалаларни ҳал қилишга қўшган ҳиссаси айниқса охириги йилларда унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини кучайтиришга олиб келди.

Мамлакатимиз олдида турган устувор вазифаларни амалга оширишда — бу жамиятни демократик янгилаш бўладими, иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият соҳаларини ривожлантириш бўладими — буларнинг барчасини муҳассам қилиб айтганда, Ўзбекистонимиз эришган ва дунё ҳамжамияти тан олаётган марраларни эгаллаш йўлида бутун халқимиз қатори аёлларимизнинг ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳиссаси борлигини бугун яна бир бор чуқур миннатдорлик билан эътироф этишни зарур деб биламан. Ҳақиқатан ҳам, улар ўзларининг меҳнатсеварлиги, оқиллик ва шукрона-

лик фазилатлари, сабр-бардоши, эртанги кунга ишонч туйғуси билан барча қийинчилик ва машаққатларни енгиб, бошқаларга ўрнак бўлиб келатганини кўплаб ҳаётий мисолларда яққол кўриш мумкин.

Шу борада ўзимизга мос қадрият ва қарашларимизни ифода этадиган муҳим бир масалага эътиборимизни қаратишни ўринли, деб ҳисоблайман.

Ҳар қайси оилада гўзаллик ва нафосат, меҳр-муҳаббат тимсоли, хонадонларимиз осойишталигининг посбони бўлмиш, бир сўз билан айтганда, оилани оилага, жамиятимизни жамиятга айлантирадиган аёл зотиға қанча тасаннолар айтсак, қанча таъзим этсак — барибир барчамиз ўзимизни улар олдида доимо қарздор, деб ҳис қиламиз.

Фақатгина аёл зотиға мансуб бўлган мана шундай ноёб, бетакрор хусусият ва фазилатларни таърифлаш ва улуғлаш, уларнинг кундалик турмушимиздаги аҳамияти ва таъсирини кучайтириш, оилаларимизни янада мустаҳкам қилиш, шу аснода ҳаётимизни ҳар томонлама обод, гўзал ва мазмунли этиш — бундай долзарб вазифалар бугунги кунда Хотин-қизлар кўмитаси иш фаолиятида эътибордан четда қолмаслигини истардим.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади: ҳозирги вақтда оилани, хусусан, ёш оилаларни мустаҳкамлаш, оғирини енгил қилиш, улар дуч келадиган турли муаммоларни ечиш, зарур қўлақ ва ёрдам бериш ҳам ана шу масалаларнинг узвий бир қисми эканини яхши англаб олишимиз лозим.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳар бир отананиннг эзгу орзуси бўлган соғлом ва баркамол авлодни воғта еказиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш сингари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган вазифаларни амалга оширишда хотин-қизлар ташкилотлари ва унинг жойлардаги бўлимлари фаолиятининг самарасини янада кучай-

тиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Муҳтарам опа-сингилларимизнинг ўз билим ва профессионал маъласини, салоҳияти ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари учун, аёлларимиз, ёш қизларимизни айниқса қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, касаначилик, оилавий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар туғдириб бериш бугунги куннинг энг долзарб вазифалари қаторига киради.

Ҳозирги вақтда дунёда ва минтақамизда вазият тобора кескинлашиб, ўзаро қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган бир шароитда оилаларда, маҳаллаларда фаол иш олиб бориш, ёш авлодимизни турли зарарли оқим ва таъсирлардан сақлаш, азал-азалдан халқимизга мансуб бўлган инсоний фазилатларни асраш қандай муҳим аҳамият касб этаётганини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шу борада болаларимизни, айниқса, қиз болаларни соғлом руҳда тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни, ҳаётда ўз муносиб ўрнини эгаллашига қўмаклашиш, урф-одат ва маросимларни давр талаблари билан уйғунлаштириш Хотин-қизлар кўмитаси, унинг жойлардаги вакиллари ва фаоллари, диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилар олдида турган энг муҳим вазифадир.

Бугунги анжуманда сизлар айна шу йўналишда олиб бораётган ишларингизга танқидий баҳо бериб, хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини янги, юқори босқичга кўтаришга қаратилган амалий қарорлар қабул қиласиз, деб ишонаман.

Барчангизга сихат-саломатлик, куч-ғайрат, ишларингизда янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкентда 25 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу анжуман кўмитаниннг ўтган давр мобайнидаги фаолияти ва Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифалар, шунингдек, 2013 йилнинг мамлакатимизда Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан баҳариладиган ишлар таҳлилига бағишланди.

Конференцияда туман, шаҳар ва вилоят хотин-қизлар кўмиталарининг конференцияларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Конференция делегатлари Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар. Улар, шунингдек, Ватанимиз пойтахтида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, янги маҳабатли бинолар ва спорт мажмуалари қурилиши билан танишдилар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Конференция қатнашчилари Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига табригини кўтаринки руҳ билан қабул қилдилар. Улар мамлакатимиз хотин-қизларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятдаги мавқеи ва ролини ошириш борасида эришилаётган барча ютуқлар давлатимиз раҳбарининг бевоқифа эътибори ва ғамхўрлиги самараси эканини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда.)

НАФИСА МҶМИНОВА — ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР

22 ёшли шахматчимиз

Нафиса Мўминова ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроттмейстер унвонига сазовор бўлди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳар жиҳатдан соғлом, интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Shaxmat

(Давоми 3-бетда.)



Ёшлар сибсати: БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Бугунги ўзбек ёшлари илм-фан, санъат, маданият ва спорт соҳасидаги юксак натижалари билан нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам шухрат қозонмоқда. Айниқса, ёш олимларимиз илмий ишланмалари, янгиликлари ва ихтиролари билан дунё олимлари эътирофига сазовор бўлаётти. Бу ютуқлар мустақиллигимиз шарофати туфайли ёшларга яратилаётган имкониятлар маҳсули.

5

КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР КАЛИТИ

Ўқувчиларга чет тилларни ўрганиш учун истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ имкониятлар, шарт-шароитлар яратилди. Нафақат шаҳарлар, балки чекка қишлоқларимиздаги мактаб, касб-хунар коллежи ва академик лицейлар чет тили хоналари энг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, лингафонлар билан таъминланди.

7

БҮЮК БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова кўмитанинг ўтган даврдаги фаолияти ва унинг истиқболдаги вазифалари ҳақида маъруза қилди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришга, ҳаётнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ва янгилашга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур улкан бунёдкорлик ишларидан кўзланган асосий мақсад инсон манфаатларини таъминлаш, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун муносиб турмуш шароитини яратиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида одамларнинг салоҳиятини янада ривожлантириш, миллий ўзлиқни англаш ва жамиятдаги маънавиятни мустаҳкамлашдан иборат. Мамлакатимизнинг бу йўлда эришган барча ютуқлари Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган, бугунги кунда бутун дунёда тан олинган, ижтимоий йўналтирилган ривожланишнинг "Ўзбек модели" самараларидир.

Амалга оширилаётган чуқур ислохотлар доирасида жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини юксалтиришга, уларнинг интеллектуал ва маънавий ривожланиши, билим ҳамда замонавий касбларни эгаллаши, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этиши учун барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, фақат ҳар томонлама билимли, оила ва жамият олдидagi юксак масъулияти ва бурчини чуқур англайдиган, ўзининг хайрли ишлари билан Ватан раънақиға ҳисса қўшишга интиладиган хотин-қизларгина буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўла оладиган, янги ҳаётни барпо этиш бўйича олдимизда турган энг муҳим вазифаларни амалга оширишга қодир ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташкил қилинди. Ушбу нодавлат но-тижорат ташкилотининг асосий мақсади — хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг социал, ижтимоий-ҳуқуқий ва меҳнат жабҳасидаги фаоллигини, ҳуқуқий ва иқтисодий билим даражасини юксалтириш бўйича хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш ва эҳтиёжларини янада тўлароқ таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1995 йил 2 март куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси айна пайтада Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ҳудудий хотин-қизлар кўмиталарининг раислари эса жойлардаги ҳокимларнинг ўринбосарлари этиб тайинланиши белгиланган.

Жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш борасидаги навбатдаги қадам 2004 йилда Ўзбекис-

тон сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар билан боғлиқ. Уларга кўра, сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатликка номзодларни кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота ажратилиши кўзда тутилган. Мазкур меъёرنинг жорий этилиши натижасида ҳозирги пайтада хотин-қизлар Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг 22 фоизини ташкил этади.

Ушбу барча чора-тадбирлар хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш масалаларини ҳал қилишга кенг жалб этишга, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга, оила, оналик ва болалиқни ижтимоий ҳимоялаш ишларини кучайтиришга, шунингдек, вазириликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Қайси соҳада бўлмасин, хотин-қизларнинг Ватан раънақиға йўлидаги фидокорона меҳнати, мамлакатимизда ёш авлодни — жисмонан соғлом, маънан етук, интеллектуал ривожланган йигит-қизларни тарбиялашга қўшаётган улкан ҳиссаи муносиб баҳоланмоқда. Улар орасида нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам машҳур инсонлар — корхоналар, ташкилотлар ва ННТ раҳбарлари, фермерлар, шифокорлар, фан, маданият, санъат, таълим соҳалари намояндалари кўп. Каттор хотин-қизлар Ватанимизнинг юксак мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамонини унвонига сазовор бўлган.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг фаровонлигини таъминлаш учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда, қишлоқда яшайдиган аёлларга алоҳида гамҳўрлик кўрсатилмоқда. Сунги йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида минглаб замонавий, қулай ва шинам уй-жойлар бунёд этилди. Аҳолининг даромадлари ўсиши ва кенг истеъмол кредитларининг ташкил қилиниши самарасида бугун мамлакатимиздаги ҳар бир оилада аёлларнинг уй-рўзгор юмушларини енгилаштирувчи замонавий машичи техника мавжуд. Оилаларга, биринчи галда, ёш оилаларга ипотека кредитларини ажратиш орқали уй-жой харид қилиш ва қуришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланмоқда, бу ҳам аёлларнинг кундалиқ турмуш таъшишларини енгилаштиришга қўмақлашмоқда. Буларнинг барчаси жамиятимизда хотин-қизларга ҳурмат ва эътиборнинг нақадар юксак эканлигидан далолатдир.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони мазкур кўмита фаолиятини янада такомиллаштириш борасида янги имкониятлар очиб берди.

Ўтган давр мубайнида хотин-қизларнинг ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатини амалга оширишдаги иштирокини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан ҳамкорликда бу соҳадаги энг муҳим ҳалқоро ҳужжат — БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш бўйича конвен-



циясининг қоидаларини амалга ошириш бўйича иккита миллий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Барча соҳаларда гендер тенглигини таъминлаш бўйича Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари хизматларидан умумфойдаланиш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши ишларида иштирок этиш имкониятини кенгайтириш бўйича Ўзбекистонда қабул қилинаётган чора-тадбирлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси қошида Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш соҳасида жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича жамоатчилик кенгаши ташкил қилинган. Таълим муассасалари, корхоналар, ташкилотлар ва маҳаллаларда "Соғлом она — соғлом бола" дастури доирасида аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, ёшларда соғлом турмуш тарзи қўникмаларини тарбиялаш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш бўйича маърифий ишлар олиб борилмоқда. Адлия органлари билан ҳамкорликда ўрта махсус ўқув юрталарида "Ёш оилалар мактаблари" ташкил қилинган. Мураккаб турмуш шароитига тушиб қолган хотин-қизларга психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда. Психологлар, юристлар, маҳаллалар фаоллари иштирокида оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда оилавий спорт, хотин-қизлар ва болалар спорти жадал тараққий этмоқда. Барча ҳудудларда хотин-қизлар учун 39 спорт тури бўйича 35 минг секция ташкил қилинган. Уларда бугунги кунда 3,5 миллиондан зиёд хотин-қиз шугулланмоқда. Ҳар йили ҳудудий хотин-қизлар спорт фестиваллари ўтказилмоқда. Аёлларни, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаёт сифатини юксалтириш имконини бермоқда. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ўртача умр кўриши 7 йилга узайиб, ҳозирги кунда 75 ёшни ташкил этаётгани бундан ёрқин далолатдир.

Хотин-қизлар бандлиги масалаларини ҳал қилишга, биринчи галда қишлоқ жойларда уларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга, уларни тадбиркорлик фаолиятига, аввало, кичик ва оилавий бизнес соҳаларига, хизмат кўрсатиш, фермерлик ва касаначиликка жалб қилишга катта

эътибор қаратилмоқда. Уларга ўз бизнесини очиши учун ажратилаётган кредитлар ҳажми ортиб бормоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга 491,7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Мамлакатимиз Президентининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган фармонида мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидиний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий қилинган. Ушбу муҳим вазифаларни аҳоли ўртасида обрў қозонган, чуқур билим ва бой ҳаётий тажрибага эга аёллар бажармоқда. Уларнинг фаолият доирасига жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлаш, халқимизнинг энг яхши анъаналарини, меҳр-мурувват, бағри-кенглик, саховат каби фазилатларни ривожлантиришга оид масалалар кирди. Айна пайтада маҳаллалар маслаҳатчилари хотин-қизлар ва ёш авлод вакиллари ўртасида турли бузғунчи қулар томонидан уларнинг онгига таъсир ўтказишга бўлаётган уринишларга нисбатан маънавий етуқлик ва қатъийати бўлиш фазилатларини тарбиялаш бўйича изчил ишларни олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳар томонлама баркамол ёшларни, шу жумладан қизларни тарбиялаш борасида алоҳида гамҳўрлик кўрсатмоқда. Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган. Ушбу мукофот ўқишда, ижодда ва ижтимоий ҳаётда юксак натижаларга эришган қизларга берилади.

Конференцияда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тузилмалари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар ҳам муҳокама қилинди, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Ташкилданки, мамлакатимизнинг хотин-қизлар ташкилотлари улкан салоҳиятга ва фойдаланилмаётган имкониятларга эга. Хусусан, уларнинг мамлакатимизда, биринчи навбатда, жойларда амалга оширилаётган ислохотлардаги ролини, баркамол ёш авлодни тарбиялаш, хотин-қизлар ва ёшларнинг онги ва дунёқарашини кенгайтириш, шу жумладан оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёш оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, хотин-қизлар тадбиркорлигини кенг ривожлантириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш жараёнидаги иштирокини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Конфе-

ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ

ренцияда бу вазифаларнинг барчаси мамлакатимизнинг hozirgi zamonauiy rivojlanish tendentsiyalariga mos ravishda Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини янада юқори даражага кўтаришни, айна пайтда мамлакатимизнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклики муносабатларини мустахкамлашни тақозо этаётгани таъкидланди.

Муҳокамада конференция делегатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Абдурахимова, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар кўмитасининг раиси З.Иброҳимова, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, вилоят хотин-қизлар кўмиталарининг раислари — И.Каримова (Қашқадарё вилояти), М.Азизова (Наманган вилояти), С.Файзиёва (Тошкент вилояти), халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши депутаты, Фориш туманидаги "Фортекс" корхонаси раҳбари Б.Тўраева, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати, Қашқадарё вилояти Муборак тумани Исскилик-электрмарказининг илмий ходими С.Холиқова, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича бўлим инспектори Ш.Хидоятлова, Фарғона вилояти Учкўприк туманидан касаначи И.Рашидова ва бошқалар сўзга чиқди.

Конференция иштирокчилари муҳокама натижалари бўйича Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, шунингдек, 2013 йилнинг Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва оилани мустахкамлашда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги кенг иштирокини таъминлаш бўйича 2013-2014 йилларга мўлжалланган Харакат дастурини қабул қилди. Айна пайтда давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида белгиланган янги вазифалар алоҳида долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди. Зеро, бу вазифаларнинг амалга оширилиши ушбу жараёнларни янада чуқурлаштиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Конференция делегатлари, шунингдек, ушбу вазифаларнинг жойлардаги муҳокамаси ва хотин-қизлар кўмиталарининг Ўзбекистонда амалга ошириладиган чуқур демократик ислохотлардаги иштирокини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Конференцияда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг Устави янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг бошқарувининг таркиби сайланди. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг раиси этиб Э.Боситхоннова сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Анна ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАЛАРИ

Тошкентда 25 январь куни Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирлари анжумани иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.

Мафтуна НОРМАТОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси:

— Мамлакатимизда ҳар бир йил қандай номланмасин, қандай дастур қабул қилинмасин, улarda, албатта, хотин-қизлар учун қулай ижтимоий ва турмуш шaroitлари яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Ана шундай доимий ғамхўрлик самарасида бугун оилаларимизда, айниқса, қишлоқ жойлардаги хонадонларда аёлларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллашти-

ишларни кучайтириш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, ёшларни халқимиз менталитетига ёт ва зарарли, жумладан, "оммавий маданият" таъсирларидан ҳимоялаш, иқтидорли ўқувчилар билан иш олиб боришни янада такомиллаштириш, миллий анъана ва қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тўғри тушунириш, уларнинг оила ва жамият олдидаги масъулиятини кучайтириш борасида ҳали бажариладиган ишларимиз кўп эканига мазкур конференцияда яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

So'z — konferensiya ishtirokchilariga

рувчи замонавий маиший техника воситалари тобора кўпаймоқда. Президентимиз ташаббуси билан барча туманларда замонавий "Гўзаллик салон"лари ташкил этиш ҳақидаги таклиф хотин-қизларимизнинг саломатлигини мустахкамлаш, маънавияти ва турмуш маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Ўртимиз тобора обод, ҳаётимиз фаровон бўлиб бормоқда. Янгидан-янги таълим, соғлиқни сақлаш, маънавият ва маърифат масканлари, аҳолига сервис хизмати кўрсатувчи замонавий марказлар, тураржойлар қад ростламоқда. Конференцияда муҳокама этилган масалалар биз, ёшларни бундай ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини чуқур аниқлаш, бошқаларга ҳам шунини етказиш, ҳаётимиз осойишталиги ва ободлиги, халқимиз тотувлиги ва фаровонлигини янада зиёда этишга фаол ҳисса қўшиб яшашга даъват этади.

Дилфуза ЖАЛИЛОВА, Қарши давлат университети қошидаги 1-академик таълиқ директори:

— Хотин-қизлар кўмиталарининг таълим масканлари билан ҳамкорлиги тобора мустахкамланиб бормоқда. Бу жиҳатлар лицейимиз фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ушбу ҳамкорлик ўқувчиларнинг таълимдан ташқари бўш вақтинини тўғри ташкил этиш, оиласидаги муҳитни атрофлича ўрганиш, тарбиявий

ЎЗА мухбирлари
Назокат УСМОНОВА,
Меҳрибон МАМЕТОВА,
Сардор ТОҶИЕВ
ёзиб олди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Фарғоналик Алишер ака ва Қаноатхон опа оиласида вояга етган Н.Мўминова ҳам ана шундай ёшлардан бири.

Нафиса тўрт ёшлигидан спортга меҳр қўйиб, шахмат ўйнашни кунт билан ўрганган. Тўққиз ёшидан Қўқондаги шахмат клубида тажрибали мураббий Анваржон Алиев раҳбарлигида маҳоратини оширган. 2002 йилда ўз тенгқурлари ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлган.

Мамлакатимиз миқёсидаги кўплаб мусобақаларда голиб ва совриндор бўлган Н.Мўминова 2007 йилда минтақавий саралаш мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатида йўлланма олди. У дунёнинг энг кучли 64 шахматчи дона сурадиган ушбу турнирда қатнашиш учун Марказий Осиё минтақасига ажратилган ягона йўлланмани қўлга киритди ва ўзбек хотин-қизларидан катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этган биринчи спортчи бўлди.

НАФИСА МЎМИНОВА — ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР

— Катта спортга қадам қўйган кўпчилик йигит-қиз жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилади, — дейди Н.Мўминова. — Жаҳон чемпиони бўлиш — менинг ҳам олий мақсадим. Албатта, жаҳон шахмат тожини қўлга киритиш осон иш эмас, лекин давлатимиз яратиб бераётган шароит ва имкониятлар бизга катта умид ва ўз кучимизга ишонч бағишламоқда.

Олти йилдан буён мамлакатимиз терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларда иштирок этиб келаётган Нафиса 2008 йилда 18 ёшгача қизлар ўртасида Осиё чемпионати кумуш медалига сазовор бўлган. Кўплаб йирик халқаро турнирларда хотин-қизлар ўртасида биринчи ўринни эгаллаган.

У 2010 йилда йигирма ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кучли тўртликдан жой олди, Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган ёзги Осиё ўйинларининг жамоавий беллашувларида терма жамоамиздаги дугоналари — Ольга Собирова, Юлдуз Ҳамроқулова, Нодира Нодиржонова билан бирга кумуш медални қўлга киритди. 2011 йил I Марказий Осиё кубоги ва 2012 йил Тошкентда ўтказилган "Тошкент опен" халқаро шахмат турнирида голиб бўлди.

Н.Мўминова учун 2013 йил ҳам омадди бўшланди. Халқаро шахмат федерацияси ўзбек қизига халқаро гроссмейстер унвони берилганини эълон қилди.

— Ушбу юксак унвон биз, ёшларнинг камолоти йўлида барча шароитларни яратиб бераётган Президентимиз кўрсатаётган юксак ғамхўрликнинг амалдаги самараларидандир, — дейди Нафиса. — Биз, ўзбек ёшлари ҳар қандай соҳада энг юқори чўққиларни забт этишга қодирмиз. Бунинг учун имконият, шароит ва катта иштиёқ бор.

Нафисанинг сингиллари — Ҳулқар ва Гулруҳбегим Тоҳиржоновалар ҳам опаси изидан бориб, шахматни танлаган. ФИДЕ устаси Ҳ.Тоҳиржонова қатор халқаро турнирлар голиби ва совриндори бўлса, Гулруҳбегим 2011 йилда Бразилияда ўтган 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эгаллаган.

Ўзбекистон терма жамоаси етакчиси Нафиса Мўминова энди мусобақаларда халқаро гроссмейстер, деган юксак ном билан дона сурди. Бунинг масъулиятини чуқур ҳис этаётган шахматчимиз янги мавсумга пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Yangiliklarda yurt nafasi



Ўзбекистон Бадий академиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар залида Оролбўйининг таникли ва ёш rassomлари асарлари кўргазмаси очилди.

Обод турмуш йилига бағишланган кўргазма "Устозлар ва шогирдлар" деб номланди. Унда Женис Лепесов, Сарсенбой Бойбўсинов, Ажиниёв Худойбергенов, Бозорбой Серекеев, Гўзал Губенова каби таникли мусаввирлар ҳамда Айнура Сапақеева, Рустам Боймурзаев, Озод Юсупов, Саламат Бекубўсинов сингари кўплаб истеъдодли ёшларнинг она Ватан, обод бўлаётган қишлоқлар жамоли, табиат манзаралари, халқимизнинг улкан бунёдкорлик ишлари ақс этган асарлари намойиш этилмоқда.

— Кўргазмада ёшларимизнинг тасвирий санъатга қизиқиши ортиб бораётгани яққол кўзга ташланди, — дейди таникли rassom Женис Лепесов. — Ёш ижодкорларнинг фаолиятини таҳлил ва тарғиб қилиш, истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларнинг моҳир мусаввирлар, санъатшунослар билан мулоқотини йўлга қўйиш, бадий диди ва дунёқарашини юксалтиришда бундай тадбирларнинг аҳамияти катта.

Андижон қишлоқ хўжалиги институтида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ҳамда Ипакчилик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда пиллачиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган ўқув семинари ташкил этилди.

Олимлар, пиллачилик соҳаси мутахассислари, тўчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этган семинарда ипак курти парваришlash агротехникаси, пилла тайёрлаш ва унга дастлабки ишлов бериш технологияси, шунингдек, тўчиликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда уруғчилик қорхоналари ишини янада яхшилаш, ипак куртига дастлабки ишлов бериш, тут парванаси ва унга қарши курашиш, пилла қабул қилиш масалаларини мавсумга тайёрлаш масалаларини бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Мутахассислар томонидан пиллачилик борасида жаҳондаги илғор тажрибалар, янги технологияларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан иштирокчиларга зарур тавсия ва маслаҳатлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида божхона бошқармаларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, олимлар, ҳудудий божхона бошқармалари ахборот хизматлари раҳбарлари иштирок этди.

Семинарда марказий ҳамда ҳудудий божхона бошқармалари ахборот хизматлари салоҳиятини янада ошириш, уларнинг оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳақида атрофлича фикр алмашилди.

Урганч шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти туман фермерлар кенгашлари аъзолари учун ўқув семинари ташкил қилинди.

Ўқув семинари давомида малакали мутахассислар томонидан иштирокчиларга фермерлик фаолиятини ривожлантириш борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари кенг шарҳлаб берилди. Шунингдек, фермер хўжаликларини тайёрлов, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳисоб-китоб тизими ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари, кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий-иқтисодий асослари, фермер хўжалиқларига ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, агротехник хизмат кўрсатувчи консалтинг марказлари тармоғини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, замонавий сугориш техника ва технологияларини жорий этиш, янги иш ўринлари яратиш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Ўза ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Хорижий тилларни ўрганишга бағишланди

Марҳамат туманидаги 22-мактабгача таълим муассасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш бўйича вилоят семинари ташкил этилди.

Инглиз тилидаги шпорлар, безак ва ўйинчоқлар билан жиҳозланган муассасага Андижон вилоятидаги мактабгача таълим муассасалари мудирлари, тарбиячилари тақлиф қилинди.

Семинар қатнашчилари мазкур қарор ижроси юзаси-

дан вилоятда амалга ошири-лаётган ишлар ва белгиланган режалар билан яқиндан та-ништирилди. 22-мактабгача таълим муассасаси тарбияла-нувчилари иштирокидаги ма-шгулот ва байрам тадбирлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, тарбия-

ланувчиларнинг инглиз тили-да айтган шеър ва кўшиқлари, машгулотлардаги мулоқотла-ри болаларнинг тил ўрганиш-га бўлган қизиқиши юқори эканини яна бир бор исботла-ди. Амалий семинарда бола-ларга тил ўргатиш борасида ютуқларга эришган муассаса-лар тажрибасини кенг миқёс-да оммалаштиришга келишиб олинди.

"Туркистон-пресс"

Ёш педагоглар учун очик дарс

Тарих ҳамда давлат ва ҳуқуқ асослари фанлари ойлиги доирасида Ҳамза тумани-даги 125-мактабда тумандаги ёш педагоглар учун очик дарслар фестивали ўтказил-ди. Тажрибали устозлар ташкил этган қизиқарли дарслар ёш мутахассисларда кат-та таассурот қолдирди.



Мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Шарифа Жумабоева 8-"Б" синф ўқув-чиларига Ўзбекистон тарихи фанидан интерфаол усулда дарс ўтиб берди. Гу-руҳларда ишлаш методидида ташкил этилган дарсда кузатувчилар вақтдан унумли фойдаланиш, бола диққатини жалб қилиш, жараёнга ўқувчиларни бирдай қамраб олиш бўйича билимла-рини бойитишди. Дарс таҳлили жара-ёни ҳам баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Суратда: тарих фани ўқитувчиси Шарифа Жумабоева машгулот чо-ғида.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

«Тенгдошларимизга тенглашимиз»

Мирзо Улугбек туманидаги 248-мактабга тенглашиш устоз ўқитувчиси Норхон Ҳамдамалиева "Ўрган-ўргат" тадби-ри асосида туманининг ёш ўқитувчилари учун "Дарсда интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш" мавзу-сида семинар-дарс ташкил этди. Машгулот чоғида "Ақлий ҳужум", "Музёра", "Кластер" усуллари ва АКДдан фойдаланиш бўйича тажрибалар, синфдаги ҳар бир ўқувчини фаоллаштириш йўллари борасида ўқит-увчилар ўзаро тажриба алмашди.

— Ўқувчиларимдан Нодир-бек Зулфқоров, Шавкат Анва-ров математика, она тили фа-нини ўзлаштиришда бироз қийналардилар, — дейди Нор-хон Ҳамдамалиева тажрибала-ридан бири ҳақида маълумот берар экан. — Уларни "Тенг-

дошлар" гуруҳига жалб этиб, Гуласал Кўчқорова ва Мушта-ри Бобоқуловага бириктириб қўйдим. Улар дарсдан сўнг бирга шугулланишди, қўшим-ча машқ ва масалаларни ҳам-корликда бажаришди. Натيجا-да барча ўқувчиларимнинг

ўзлаштириш фоизи кўтарилди. Ўқувчиларим ҳозир ҳам кичик гуруҳларга бўлиниб, биргалик-да дарс тайёрлашмоқда.

Албатта, устознинг меҳнат-лари ўз самарасини бермоқда. Ўқувчиларидан Лазиз Мавло-нов математика фанидан, Мо-ҳичехра Аҳмедова ўқиш фани-дан "Кичик фанлар олимпиа-даси"нинг туман босқичида, Сардор Бердибоев эса мате-матика фанидан шаҳар босқи-чида фахрли ўринни қўлга ки-рипти.

Гуля ОРИФЖОНОВА, "Ma'rif" мухбири

Озода жойда соғлом фикр туғилади

Юнусобод туманидаги 258-умумтаъ-лим мактабида "Экосан" халқаро жамо-ат фонди ва Увайсий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида "Эко-логия ва саломатлик" мавзусида ўқув-чилар билан учрашув уюштирилди.

— Шанба — тозалик куни" ташаббуси доира-сида ўтказилаётган тад-бирларда маҳалла аҳолиси ҳамда ўқувчилар фаол иштирок этишмоқда. Мактаб ҳовлисида бог яратилгани — фикримиз тасдиғи, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рустам Расу-лов. — Мактаб ва маҳалла ҳудудига озодалик ҳуқирон. Ҳамма жой саранжом-саришта. Тоза-ликни сақлаш барчанинг бурчи эканини маҳал-ладошларимиз англаб етишмоқда.

— "Экосан" халқаро жамоат фонди томони-дан тақдим этилган экологияга оид ўқув қўллан-малар бизга қўл келмоқда, — дейди мактаб директори Акмал Лутфуллаев. — Ушбу фонд-нинг "Аъёналарни тикла — дарракт эк!" акция-сига жавобан мактаб боғини қўлмада яна 100 тул қўнат экиб, кен-гайтириш ва "Ёш экологлар боғи"га айлантиришни режалаштирганмиз. Ободонлаш-тириш ишларидаги фаоллиги учун ўқувчилар-дан бир гуруҳи "Экосан" халқаро жамоат фон-ди томонидан фахрий ёрлик ва совғалар билан тақдирланди.

Мирқарим МИРСОВУРОВ, "Экосан" халқаро жамоат фонди бўлим бошлиғи

Ўқувчиларга профессорлар сабоқ бермоқда

Ёш авлоднинг маънавий, ҳуқуқий ва иқтисодий би-лимларини ошириш ҳар доим долзарб аҳамият касб эт-ди. Шу мақсадда коллежимизда Қарши давлат универ-ситетининг ўндан ортқ кафедралари билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Профессор-ўқитувчилар ўқитиш жараёнида иштирок этиб, ўқувчиларни ил-мий ишларга йўналтириб келмоқда.

Таълим муассасасида яра-тилган кенг имкониятлар ҳам ўқувчилар таълим-тарбиясида ўз аксини топмоқда. Замона-вий жиҳозланган бта компю-тер симфониси "ZyONET" тар-моғи ва интернетга уланган. Ўқувчилар глобал ахборот ма-локидаги маълумотлар ва 150дан зиёд электрон дарс-

ва спорт тўғарақларининг аҳамияти катта. Коллеж ёшла-ридан таркиб топган "Зиё" ба-дий ансамбли "Ўзбекистон Ватаним маним!" республика кўрик-танловига фахрли ўрин-ларини қўлга киритиб келмоқ-да.

Таълим муассасасида бўлгу-си педагогларни юксак ахло-қий ва инсоний фазилатлар соҳиб этиб тарбиялашга ало-ҳида эътибор қаратилаётди.

Ф. КАРИМОВ, Қарши педагогика коллежи ўқитувчиси

2013-yil — Obod turmush yili

Эртанги кундан умидвор бўлган, ўз келажаги ҳақида қай-ғурадиган халқ борки, ўғил-қизларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишини кўзлайди. Юртбошимиз Ислон Каримов мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фарвон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жaxon ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, унибўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсон бўлиб улғайишига боғлиқлигини куюнчақлик билан таъкидлайди. "Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманида мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ишлар яна бир бор кенг кўлами билан намойён бўлди.



ЁШЛАР СИЁСАТИ: БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Аввал хабар қилинганидек, конференциянинг ялпи мажлиси пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтди. Анжуманининг шўъба йиғилишлари эса Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида давом этди. Уларда 250 нафардан ортиқ олимлар, профессор-ўқитувчилар, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда халқ таълими тизимида таҳсил олаётган фаол ёшлар, қатор номдор стипендия ва Давлат мукофотлари соҳиблари иштирок этишди. Қизгин кечган баҳс-мунозараларда Ўзбекистонда ёшлар сиёсатининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ижтимоий фаоллигини ошириш сингари долзарб масалалар диққат марказига кўтарилди. Хусусан, мустақил фикрлайдиган, ўз ҳаётини ўз қўли билан мустақам эътиқодига эга ёш авлоднинг тарбиялашнинг маънавий-маърифий асослари, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини тарғиб қилиш, улар ўртасида спортни ривожлантириш масалалари, баркамол авлоднинг тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг роли хусусида фикрлар билдирилиб, амалий тақлифлар илгари сурилди.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ ёшлар таълим-тарбиясига, ўғил-қизларимизнинг маънан ва жисмонан етук инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор берилди бошлангач. Бу борадаги савий-ҳаракатлар комплекс чора-тадбирлар кўринишини олган бўлиб, саломатликни таъминлаш, узлуксиз таълим ва

баркамол авлоднинг тарбиялаш бўйича яратилган миллий моделлар бутун дунёда юксак баҳоланаётган. Шўъба йиғилишларида эътирофга лойиқ ютуқларимизни қайд этиш билан бирга, ёшлар сиёсатини янада такомиллаштириш масалалари бўйича қўллаб-қувватлаш, ўртага ташланди. Республика илмий-амалий анжумани ўзaro фикр алмашиш, истиқболдаги вазифаларни аниқ белгилаб олиш имконини берди.

Икки кунлик конференциянинг Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган якуний ялпи мажлисида шўъба йиғилишлари бўйича хулосалар, тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди, фаол иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Анвар Яхшиев, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бош мутахассиси:

— Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди, халқаро конвенция ва пактларга аъзо бўлди. Бундан кўзланган асосий мақсад юртимизда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш, пировардида, эркин фикрли, кенг дунёқарашига эга ўғил-қизларни камол топтиришдир. "Ўзбекистонда ёшлар тарбияси ва вояга етмаганлар ҳуқуқларининг кафолатлари" мавзусидаги маърузамда бу ҳақда атофлича тўхтадим. Жумладан, олиб борган тадқиқотларимга таяниб, қатор тақлифларни ҳам билдирдим.

Мухаббат Темирова, Навоий давлат кенчилик институти катта ўқитувчиси:

— Бугун ахборот технологиялари асрида яшamoқдалик. Замон талабларига мос сифатли таълим-тарбияни АКФСиз амалга ошириш мушкул. Шундай экан, талабалар-

нинг маънавий эҳтиёжлари ва қизиқишларини эътиборга олиб, замонавий компьютер технологиялари воситасида, масалан, он-лайн тизимда етук олимлар, таълиқ этиш билан бирга, ёшлар сиёсати ва таълим-тарбиянинг узвийлиги" мавзусидаги маърузамда ана шулар ҳақида сўзладим.

Ирода Шамсиева, Солиқ академияси ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди, доцент:

— "Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш" деб номланган шўъба йиғилишида иштирок этиб, ўзим учун зарур хулосалар чиқардим. "Интеллектуал авлод — қудратли ресурс" мавзусидаги маърузамда эса бир қатор тақлиф ва мулоҳазаларимни билдирдим.

Бугун йигит-қизлар асосий маълумотларни глобал тармоқдан олаётгани ҳеч кимга сир эмас. Демак, биз уларнинг дунёқарашини тўғри шакллантириш учун айнан шундай воситалардан самарали фойдаланишимиз даркор. Масалан, "Интеллектуал ёшлар портали"ни яратиш, олий таълим муассасаларида технопарк ва технополислар барпо этиш лозим. Ёш олимлар, ихтирочилар, талаба ва ижодкор ёшларни инновацион жараёнга кенг жалб қилишда ҳам интернет имкониятлари қўл келишига ишонаман.

Мухайё Мусаева, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси:

— Бугунги ўзбек ёшлари илм-фан, санъат, маданият ва спорт соҳасидаги юксак натижалари билан нафақат юртимизда, балки хорижда

ҳам шуҳрат қозонмоқда. Айниқса, ёш олимларимиз илмий ишланмалари, янгиликлари ва ихтиролари билан дунё олимлари эътирофига сазовор бўлапти. Бу ютуқларни мустақиллигимиз шарофати туфайли ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар, навқирон авлод иқтидорини намойён этишга берилётган эътибор махсуси десам янглишмайман.

Институтимизнинг "Тўқимачилик матолари технологияси" кафедрасида трикотаж махсусотларини олишда чиқиндисиз технологияларни қўллаш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, менинг изланишларим туқли трикотаж тўқимасини аралаш трикотаж тўқималари асосида тўқиб, енгил ва қулай турларини яратишга қаратилган. Хозир устозларим профессор Мирабзал Муқимов, доцент Аваз Исабоев раҳбарлигида киши иссиқ кийимлар ассортиментини тайёрлашда ишлатиладиган прессли, ажурли ва жаккард каби аралаш трикотаж тўқималари асосида туқли тўқима структурасини яратдик.

Саидафзал Саиджолов, Тошкент ислом университети катта ўқитувчиси:

— Глобал микёсда ғоявий қурашлар кескинлашган бугунги кунда мафкуравий имунитетни мустақамлаш долзарб масала. Шу боис анжуманда "Мустақам эътиқодга эга ёш авлоднинг тарбиялашнинг маънавий-маърифий асослари" мавзусидаги маъруза билан қатнашдим. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари бу борада биз учун асосий манба бўлиб хизмат қилишини аниқ мисоллар билан кўрсатиб беришга интилдим.

Ўғил-қизларимизга ўз ҳаётини мустақам эъти-

қоднинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш лозим. Бунда аждодлар ибрати билан бирга, замонавий қаҳрамонлари ҳаётини ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ. Токи ёшларимиз аллақандай "юлдуз"ларга эмас, маънавиятимиз даргаларига эргашсин.

Шерали Дусманов, Самарқанд давлат университети ходими:

— Мамлакатимизда тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари ўзига хос мазмун касб этмоқда. Аҳолимизнинг 60 фоизини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, уларда тадбиркорлик маданиятини шакллантириш долзарб масала экани янада ойдинлашади. Тақдим этган "Ёш мулкдорларда тадбиркорлик маданиятини шакллантириш — халқ фаровонлигини ошириш омили" мавзусидаги маърузамда айна шу масалага атофлича тўхтадим. Жумладан, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитилаётган "Маданиятшунослик", "Этика ва эстетика", "Иқтисодий назарияси" каби курсларнинг ўқув дастурларига "Ўзбекистонда аҳолининг тадбиркорлик маданиятини шакллантириш" мавзусини киритиш тақлифини билдирдим.

Эльзара Юзикаева, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кафедра мудири, педагогика фанлари доктори:

— Шўъба йиғилишида "оммавий маданият" ниқоби остида ёшлар онгига ҳавф солаётган иллатларга қарши туришда онлайн манбаларнинг ўрни муҳимлиги хусусида тўхтадим. Бошқа иштирокчилар ҳам бу борада ранг-баранг тақлифларини ўртага ташлади. Хусусан, узлуксиз таълимда медиатеологияларни самарали қўллаш масаласи кўпчилик томонидан маъқулланди. Фарзандларимизни АКФС кониятларидан тўғри фойдаланишга ўргата олсак, ўйлайманки, уларнинг ўзлари ҳар қандай ташқи кучларга қарши тура олади.

Бундай анжуманлар юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид сиёсатнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, билимли, жисмонан соғлом, маънан етук, баркамол авлоднинг тарбиялаш йўлида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларнинг демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнидаги кенг иштирокини таъминлаш ва ижтимоий фаоллигини кучайтиришга хизмат қилади.

Дилшод КАРИМОВ,
Мохичехра ХАЛИПОВА,
Баҳодир ЛАТИМОВ,
"Ma'rifat" мухбирлари

Komil insonni tarbiyalash, yoshlarni barkamol shaxs qilib shakllantirishga bo'lgan talab Alisher Navoiy va Zahiriddin Muhammad Bobur asarlarini o'rganishga ehtiyojni yanada kuchaytirmoqda. Navoiy va Boburni anglash o'zbek xalqining tarixi, madaniyati, o'zligini anglash va his etishning bir qismi demakdir. Zero, ularning asarlari umuminsoniy va dunyoviy ahamiyatga molik qadriyatlarini targ'ib etadi.

Navoiy shoir, olim, mutafakkir, davlat va madaniyat arbobi sifatida insonning, xalqning va butun bashariyatning baxt-saodatini orzu qildi, shu yo'lda kurashdi, asarlar bitdi. Binobarin, insonparvarlik va xalqparvarlik

o'tadi. Navoiy "Mahbub ul-qulub" asarida dehqonning mehnatini sharafli bunday deydi: **Dehqonki dona sochar, yerni yormoq bila rizq yo'lini ochar. Olam ma'murlig'i alardin va olam ahli masrurlig'i alardin. Har qayonki qilsalar harakat, elga ham qat yetkurgaylar, ham barakat.**

Zahiriddin Muhammad Bobur atoqli davlat arbobi,



boy va rangdor she'rlar va epik asarlar yaratdi.

O'zbek xalqining buyuk farzandlari — Alisher Navoiy va Zahiriddin Muhammad Bobur

NAVOIY VA BOBURNI ANGLASH — O'ZLIKNI ANGLASH DEMAKDIR

Alisher Navoiy tavalludining 572 yilligi va Zahiriddin Muhammad Boburning 530 yilligi munosabati bilan ta'lim muassasalarida "Navoiyxonlik" va "Boburxonlik" oyligini o'tkazish yuzasidan tavsiyalar

Navoiy faoliyati hamda ijodining negizini tashkil etadi. U barcha asarlarida kishilarni **komil inson** axloqidan ibrat olishga da'vat qiladi. Xo'sh, har gal ehtiros va muhabbat bilan inchil tarannum etilgan komil inson axloqiga nimalar kiradi? Navoiy nazarida insonni sharaflovchi jamiki fazilatlarini bunga kiritish mumkin. Ammo u imon, qanoat, saxovat, ilm-ma'rifat, vafu, himmat, xokisorlik, adolat, adab kabi sifatlarini ajratib olib, qariyb hamma asarlarida qayta-qayta turli voqealar tasviri munosabati bilan ta'kidlab o'tgan. Bu sifatlar odamni ulug'vor, fozil va mo'tabar etadi.

Albatta, bu axloqiy talablar asrlar davomida ishlangan, qoidaga kiritilgan, ta'lim-tarbiyaga singdirilgan g'oyalardir. Ushbu axloqiy sifatlar faqat bir davr yoki zamon bilan chegaralanadigan emas, balki boqiy qadriyatlardir.

Alloma insonni komillikka yetkazuvchi muhim fazilatlardan yana biri — halol mehnat qilish ekanini asarlaridagi yorqin timsollar misolida ko'rsatib

sarkarda, iste'dodli shoir, adib, donishmand tarixchi, zakovatli olim va tarjimon sifatida dunyoga tanildi. Uning ijodiy merosi vaqt o'tgani sari yanada zalvor va salmoq kasb etmoqda.

Boburni butun dunyoga tanitgan, eng yirik va eng ajoyib asari "Boburnoma" o'zbek prozasining qimmatli yodgorligi bo'lib, geografiya, etnografiya, tabiiyot, xalq tabobati va boshqa ilmiy sohalar bo'yicha ham nodir materiallar manbai bo'lib kelmoqda. Asosiy materiallarining ko'pligi, boyligi, aniqligi va to'raligi, tarixiy voqealarning xolisona, beg'araz va rostgo'ylik bilan bayon etilishi, ifodaning soddaligi va ravonligi bu asarning tarixiy muassasalarida afzalliklarini tashkil etadi.

Zahiriddin Muhammad Bobur Alisher Navoiydek buyuk so'z san'atkorining poetik mahoratidan ta'lim olib, uning an'alarini davom ettirdi va rivojlantirdi. Bobur obrazlarining samimiyligi va tabiiyligi bilan kishini hayratga soluvchi, badiiy sodda, ravon, musiqiy, till

asarlari bugungi o'quvchi-yoshlarni ma'naviy yetuk shaxslar etib tarbiyalashda dasturilamal bo'lib xizmat qilib kelmoqda. Alisher Navoiy va Zahiriddin Muhammad Bobur ijodi umumta'lim maktablarining 5–9-sinflarida soddadan murakkabga tomon o'rganiladi. Uzviylashtirilgan "Adabiyot" dasturida mutafakkirlar ijodidan namunalar o'quvchi yoshi, ruhiyati, bilim darajasi, jismoniy imkoniyatlari hisobga olingan holda sinflarga taqsimlangan.

Yurtimizda har yili fevral oyida an'anaviy "Navoiyxonlik kunlari" va "Boburxonlik kunlari" bo'lib o'tadi. Joriy yilda ham respublikamiz ta'lim tizimlari, barcha tashkilot va muassasalarda bu tadbirlarning "Adabiyot bayrami" sifatida katta ko'tarinkilik bilan o'tkazilishi rejalashtirilgan. Mazkur tantanalarga puxta tayyorgarlik ko'rish, ularni mazmunli o'tkazish barcha ta'lim muassasalarini rahbarlari va xodimlaridan katta mas'uliyat hamda bir qator vazifalarni amalga oshirishni talab etadi. Xususan:

- barcha maktablarda va maktabdan tashqari ta'lim muassasalarida "Navoiyxonlik kunlari" va "Boburxonlik kunlari"ni uyushqoqlik bilan namunal o'tkazish bo'yicha chora-tadbirlar rejasini tuzish;

- chora-tadbirlar rejasida oy davomida amalga oshiriladigan faoliyatni bandma-band to'la aks ettirish;

- jarayonda umumta'lim maktablari o'qituvchi-o'quvchilari, ota-onalar, mahalla va keng jamoatchilikning faol ishtirokini ta'minlash;

- ta'lim muassasalarida Navoiy va Bobur siymosi, hikmatli so'zlari, ularning ijodi va faoliyatini aks ettiruvchi badiiy va ilmiy asarlar, fotolavhalar, o'quvchilarning ijodiy ishlari jamlangan ko'rgazmalar tashkil etish;

- boshlang'ich sinflarda "Alisher va Husayn", "Alisher va bulbul", "Alisherning yoshligi", "Kichkina kitobxon" kabi mavzularda suhbatlar uyushtirish;

- kichik-kichik sahna ko'rinishlari tayyorlab, ertaliklarda o'quvchi-o'qituvchilar, ota-onalarga namoyish etish;

- 5–7-sinflarda "Odob — kishining ziynati", "Saxiylk va baxlilik", "Tavoze nima?", "Suhayl — mening sevimli qahramonim", "Jobir — yovuzlik timsoli", "Tiling bilan diling bir bo'lsin", "Bobur ruboiylarini sevib o'qiyman", "Bobur bobomga maktab", "Kim yor anga ilm tolibi ilm kerak" mavzularida namunal ochiq darslar, tarbiyaviy soatlar, kichik sahna ko'rinishlari, devoriy gazetalar va rasmlar tanlovlari o'tkazish;

- 8–9-sinflarda "Navoiy so'z mulkingning sultoni", "Navoiy va Bobur ijodini o'rganamiz", "Xamsa" — besh mustahkam qasr", "Alisher Navoiy ijodida komil inson tarbiyasi", "Odami ersang demagil odami...", "Boburnoma — memuar asar", "Bobur g'azallari shaydosiman" mavzularida badiiy kecha, konferensiya, seminar-kengash, navoiyshunos va boburshunos olimlar bilan uchrashuvlar va davra suhbatlarini tashkil etish;

- "Navoiy va Bobur ijodi — ma'naviyat bulog'i", "Farhod va zamonamiz yoshlari", "Shirin — men sevgan qahramon", "Bobur ijodida yor va diyor talqini" singari mavzularda insholar, ijodiy ishtar, devoriy gazetalar tanlovlari o'tkazish;

- "Kecha kelgumdir debon...", "Navoiy va Bobur g'azallarini ifodali o'qiyman", "Navoiy va Bobur g'azallarini kuylaymiz" mavzularida g'azaxonlik, ruboiyxonlik va badiiy kechalar hamda bahr-u bayt musobaqalarini tashkil qilish.

Bunday tadbirlarning o'tkazilishi, o'quvchilarning Navoiy va Bobur hayoti, ijodi bo'yicha olgan bilimlarini hayotga tatbiq etish, ushbu siymolar shaxsiga hurmat-ehтиrom tuyg'ularini tarbiyalash ishlarini yanada mustahkamlaydi. Shuningdek, o'quvchilarning yozma va og'zaki nutq madaniyati, ijodiy tafakkurini rivojlantirishga yordam beradi, ulardagi o'zlariga bo'lgan ishonchni mustahkamlash bilan birga, hayotiy ko'nikma hamda malakalarini oshiradi, dunyoqarashlarini kengaytiradi.

Alisher Navoiy va Zahiriddin Muhammad Boburdan yurtni obod qilishni, uni qadrlash va ardoqlashni, hayotga muhabbat, futuvvat va javonmardlikni, vafu va sadoqatni ham o'rganishimiz zarur. Bu ulug' zotlarning merosi shu qadar sermaznun va badiiy barkamolki, faqatgina bugun emas, balki yana ming yillardan keyin ham o'z badiiy-ma'rifiy qimmatini yo'qotmaydi. Bu ma'naviy qadriyatlardan har bir avlod o'z zamonasi taqozosiga ko'ra bahramand bo'laveradi.

Respublika ta'lim markazi filologiya fanlari bo'limi

КУН ТАРТИБИДА ЎҚУВЧИ МАЪНАВИЯТИ



Respublika bolalar kutubxonasi da Xalq ta'limi vazirligi tomonidan Qoraqalpoqiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi, Toshkent shahri va viloyatlar xalq ta'limi boshqarmalarning ma'naviy-ma'rifiy masalalar b'uyicha mas'ul xodimlari uchun o'quv-seminar tashkil etildi. Unda Milliy goya va mafkura ilmiy-amaliy markazi hamda Ma'naviyat tarqibot markazi mutaxassislarini ish-tirok etib, e'shlarini "om-maviy madaniyat"ning ta'sir-laridan asrash uchun ular-da mafkuraviy immunitetni shakllantirish, bu'sh vaq-tidan ma'kasadli foydalanishni ta'minlash, keng jamoatchilik nazoratini kuchaytirish borasida-gi u'z

fikr-mulo'azalari bilan u'rtoklash-dilar.

Shuningdek, xalq ta'limi tizimida 2012 yil-da amalga oshirilgan ma'naviy-ma'rifiy ish-lar ham-da 2013 yil-gi ustuvor vazifa-lar ham mu'ho-kama etildi.

O'quvchilarni turli goyaviy ta'hdid-lardan himoya qili-sh, voya-ga et-magan-lar u'rtasi-da nazorat-sizlikning ol-dini olish, e'sh avlod on-gini turli e't goy-lardan sa'k-lash, ular-ni so-g'lom va milliy ru'hd-a kamol top-tirish ma-salalari o'zasidan joy-lar-da ana shun-day se-mi-nar-lar tashkil etishi bel-gi-la-b oli-n-di.

Феруза ХОЛМУРОДОВА,
"Ma'rifat" muxбири

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Юртбошимиз ўз маърузаларидан бирида "Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажатини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳождати йўқдир", дея таъкидлаган эди. Дарвоқе, тил билиш дунёда рўй бераётган янгиликлар ва ўзгаришлардан воқиф бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллаш, шу билан бирга, бой маънавий меросимизни дунёга танитишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга чет тилларни ўрганиш учун истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ имкониятлар, шарт-шароитлар яратилди. Нафақат шаҳарлар, балки чекка қишлоқларимиздаги мактаб, касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларда ҳам чет тили хоналари энг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, лингафонлар билан таъминланди.

Ўтган йилнинг декабрида қабул қилинган Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори чет тили таълими системасини такомиллаштиришнинг стратегияси, асосий йўналишларини белгилаб берди. Мазкур қарор ижроси билан мамлакатимизда чет тилларини кенг қўламда ўрганиш, ўқувчи-ёшларнинг дунё цивилизацияси ютуқлари ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконияти кенгайди.

Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейи асосан шарқ мамлакатлари тиллари — хитой, корей, япон, ҳинд, турк, форс, араб, шунингдек, англиз ва испан тилини ўргатишга ихтисослашган. Уч йил давомида ўқувчилар бу ерда давлат таълим стандартлари асосида чет тилларни эгаллаб, келажакда ўз мутахассислиги йўналишида Шарқ мамлакатлари, тараққий этган давлатларнинг иқтисодийёти, илм-фани, сиёсий-маданий жараёнлари янгиликларидан хабардор бўлишлари учун замин ҳозирланади.

Қарордан келиб чиқиб педагогик жамоамиз ҳам ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилди ва чет тили таълимнинг сифати ҳамда самарадорлигини янада оширишга қаратилган қатор вазифаларни белгилаб олди. Жумладан, машғулотлар жараёнида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш, ўқитишнинг илгор услубларини жорий этишга, ўқувчиларнинг чет тилларда эркин сўзлаша олиш кўникмасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг тил кафедралари базасидан кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, профессор-ўқитувчилар томонидан ўқувчиларнинг билимини мунтазам синовдан ўтказиб бориш йўлга қўйилди. Синов натижалари кафед-

КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР КАЛИТИ

ралар томонидан педагогларимиз учун ташкил этилаётган семинар-тренинглар, маслаҳат дарсларида таҳлил қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда. Ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш мақсадида тўғарақлар сони ва сифати оширилди. Бу каби кўшимча машғулотларда улар олган билимларини янада мустаҳкамлашмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ўрта maxsus, касб-ҳунар таълимида чет тилларни таълим муассасаси йўналишидан келиб чиққан ҳолда ўқитиш мақсада мувофиқ бўлади. Айниқса, янгидан яратилаётган дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалардаги мавзуларда кўшимча равишда чуқурлаштирилиб ўқитилаётган умумтаълим ва касбий фанларга доир матнлар ҳам кўпроқ берилса, ўқувчиларнинг ўзлари қизиққани учун кўплаб янги сўзлар ёдида қолади, тил ўрганиши, ўзлаштириши осонлашади.

Ҳозирги кунда юртимизда кичик бизнесни, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга катта имконият яратиб берилгани боис кўпчилик тадбиркорларнинг чет элларда бизнес ҳамкорлари бўлиб, улар билан мулоқотга киришиш зарурияти янги орбига бормоқда. Бундай вазиятда тадбиркор таржимон ёки шу тилни биладиган мутахассисга эҳтиёж сезади. Академик лицей ўқувчиларининг ота-оналари орасида ҳам чет эллик ҳамкорлар билан ўз бизнесини олиб бораётганлар кўпчиликини ташкил этади. Эндиликда тадбиркорлар хорижий шериклари билан мулоқот қилишда академик лицейни битирган ўз фарзандлари хизматидан бемалол фойдаланмоқда. Иқтисодий жиҳатдан бу жараён оила бюджетига фойда келтирса, иккинчидан, бундай мақсадли

Qaror va ijro

фаолият натижасида битирувчи ўз иш ўрнига эга бўлмоқда. Масалан, хитой тили гуруҳи битирувчиси Камола Абдунабиевнинг отаси хитойлик шериклари билан ахборот-телекоммуникация технологиялари борасида ўз бизнесини йўлга қўйган. Ҳозирги кунда Камола отасига хитойлик шериклари билан мулоқотда бўлиш, энг замонавий ахборот технологиялари бўйича хитой тилидаги сайтлар орқали сўнги янгиликларни топиш, маъ-

ЧЕТ ТИЛИ БИЛИМДОНЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Сирдарё вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан 2008 йилдан буён умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида "Хорижий тилни энг яхши ўзлаштирган ўқувчи" кўриктанлови ўтказиб келинмоқда.

Бу йил мазкур танловнинг 1-босқичида 3600, 2-босқичда 1050 ва сўнги босқичда 300 нафар ўқувчи беллашиб, ғолиб бўлган 78 нафар билимдон энг кам иш ҳақининг 3 баробари миқдоридagi пул мукофоти билан тақдирланди. Ҳозирга қадар вилоят ҳокимлиги грантларини олган аълочи ўқувчилар сони 310 нафарга етди.

Гулистон шаҳридаги 2-болалар мусика ва санъат мактаби биносида бўлиб ўтган тантанали маросимда аълочиларга пул мукофоти билан бирга, ҳокимликнинг maxsus сертификатлари тақдим этилди. Тадбирда танлов ғолибларининг ота-оналари ва устозлари ҳам иштирок этди.

Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда бир қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, ўғил-қизларимизни чет тилларни ўрганишга рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинаётган "Хорижий тилни энг яхши ўзлаштирган ўқувчи" кўрик-танловини ўтказиш тартиби такомиллаштирилиб, 2013 йил 11 январда "Хорижий тиллар билимдони" танловини ўтказиш тўғрисида Сирдарё вилоят ҳокимлигининг фармойиши қабул қилинди. Унга асосан, танлов ҳар йили икки марта ўтказилиши белгилаб қўйилди, беллашув ғолибларига энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдоридa maxsus грант топшириладиган бўлди.

Шавкат ОРИПОВ,
ТошДШИ қошидаги
Юнусобод академик
лицейи директори

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридa таъкидланганидек, таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуқсиз ўрганишни ташкил қилиш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илгор услубларини жорий этиш бугун долзарб аҳамиятга эга.

Қорақалпоғистон Республикасида ёш авлоднинг хорижий тилларни пухта ўрганиши учун барча имкониятларни яратиш, шаҳар ва қишлоқлардаги maxsus ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг, фан тўғарақларининг самарали фаолият юритишини таъминлаш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Нукус шаҳридаги "Progress" таълим ва ривожланиш маркази болалар ва ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга, хусусан, англиз тилини чуқур ўқитишга ихтисослашган. Марказ болалар боғчаси, умумтаълим мактаби, бадий ижод (ракс, хор, вокал, тасвирий санъат) ва фан (англиз ва рус тили) тўғарақларини, шунингдек, қатор спорт секциялари — бадий гимнастика, футбол, волейбол, баскетбол, шашка, таэквандо ўз ичига олган. Мар-

каздаги болалар боғчасида 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар тарбияланади. Бу ерда таълим-тарбия ишлари болаларни мактабга тайёрлаш бўйича 2 йиллик maxsus дастур асосида олиб борилади ва асосан англиз тилига доир дастлабки билим ва кўникмалар берилди.

Марказдаги мактаб ҳам англиз тилини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган бўлиб, ўқув машғулотлари икки сменада йўлга қўйилган. Мактаб ўқувчилари англиз тилини 2-синфдан ўргана бошлайдилар. Машғулотларда электрон ўқув қуролларидан, мультимедия воситаларидан кенг фойдаланилади.

Суратда: Нукус шаҳридаги "Progress" таълим ва ривожланиш марказида.


Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ
(ЎЗА)
олган сурат.



ЧИРОЙЛИ ЁЗАДИГАН ТАЛАБА

Kuzatuv

ЭТИБОРЛИ МУТАХАССИС БЎЛИШИ ШУБХАСИЗ



Болаларга чиройли ва хатосиз ёзиш кўпроқ бошланғич таълим жараёнида ўргатилади. Умумтаълимнинг юқори синфлари, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ҳам бунга негиз қам этибор қаратилади. Натижада, ўқувчи бунга кўникади ва талаба бўлганда ҳам, ёзувини яхшилаш учун қайғурмай қўяди.

Талабаларнинг ёзма ишларидаги хатоларни кўрсатиб берсангиз, ўзлари тан ҳам олишадими, яна: "Мен шунга ўрганиб қолганман, бошқача ёза олайман", дейишади. Бундай сўзларни меҳнат фаолиятим давомида жуда кўп эшитдим. Шундай бўлса-да, малакавий

ҳамда педагогик амалиётгача ва педагогик даврида бўлажак ўқитувчининг овзани нутқи билан бирга ёзувигача ҳам этибор қаратиш зарурияти сезилмоқда.

Талабаларнинг давримизда устозларимиз доцентлар Ё.Фуломов ва М.Қодиров "Ёмон ўқувчи бўлмайди, балки ёмон устоз ва ёмон ота-она бўлади", дейишарди. Айрим ўқувчи ва талабаларнинг ёзма ишларини, аниқроғи, ёзувини кўриб одам хижолат бўлиб кетади. Бу ҳол амалиётчи талабаларда ҳам, мактаблардаги ўқитувчиларнинг ёзган режа конспекларида ҳам учрайди. Педагогнинг ёзуви талаб даражасида бўлмаса, ўқувчиларидан чиройли ва

Талабаларнинг малакавий ҳамда педагогик амалиёти ишларига кўйилмаган талабалардан бири

— бу хатосиз ва чиройли ёзилишидир. Лекин ҳозирги кунда бунга унчалик ҳам этибор қаратилмапти. Оқибатда, аччиқ бўлса-да тан олиш керак, бошқа соҳани-ку кўйинг, педагоглар орасида ҳам ёзуви хунуклари етарлиқча топилмоқда. Айниқса, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларида бундай иллатнинг учраши ачинарли ҳол.

Хатосиз ёзишни қандай талаб қилади?

Чиройли ёзилмаган матндаги ҳарфлар бири иккинчисига ўхшаб қолади ва сўзнинг маъноси ҳам ўзгариб кетиши мумкин. Баъзи талабаларнинг ана шундай хатоларини ўзларига ўқиб берсам, уялиб чиройлироқ ёзишга киришгани ҳам бор ҳақиқат. Шу сабабли ўқувчиларни ва умуман барча талабаларни хатосиз ва чиройлироқ ёзишга ундаш керак. Маълум бир шартлар асосида "Чиройли ёзиш" ёки "Ким чиройли ёзади" номли танловни курслар, синфлар ўртасида, коллеж, лицей ва мактаблар аро ўтказиш, роилибларни рағбатлантириш ҳам ижобий

натижа бериши шубҳасиз.

Университетимизни таломлаган талабаларнинг жойларда ишга жойлашувини ўрганиш мақсадида республикамизнинг барча вилоятларига хизмат сафарига бориб турамыз. Мана шу жараёндаги бир воқеа ҳали-ҳануз эсимдан чиқмайди. Бир сафар Қаршига борсам, телефоним жиринглади. Билсам, олий ўқув юрларини битирган қашқадарёлик талабалар экан. Улар "Устоз, бизни танимайсиз, мактабларда соҳамиз бўйича бўш ўрин бўлса-да, бизни ишга олишмаяпти. Сиз ҳам келиб, гаплашиб кўрсангиз яхши бўларди", дейишди. Етиб бордим. Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири олий ўқув юрларини битирган йигирмага яқин ёш мутахассисларни ёзган аризаларига асосланган ҳолда ишга олган. Яъни, ёзган аризаларидаги хатоларни кўрсатиб: "Талабаларнинг ариза ёзишда шунча хатога йўл қўйса, эртагида ўқувчиларимизни ҳам ўзлари каби саводсиз қилишади", деди. У ҳақ эди. Собиқ талабалар аризаларида имловий, пунктуацион ва услубий хатоларга йўл қўйган эди. Буни уларга бирма-бир тушунтиригимдан сўнг "қовун туширишган"идан уялиб кетиб қолишди.

Нуксонсиз, хатосиз ва чиройли ёзиш жамиятнинг ижтимоий буюртмаси, ёш мутахассисларнинг маданийлик белгисидир. Яхши мутахассис бўлиш учун қатор талабалар билан бирга ўз она тилида яхши ва хатосиз ёзиш зарурлигини талабалар онгига синдириш даркор. Шунингдек, бу муаммонинг ҳал қилиниши, аввало, мактабдан бошлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида давом эттириш керак. Бунда ҳар бир фан, асосан она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари маъсулятини ўз зиммасига олиши лозим.

Масалан, ўқувчиларни дарсга қизиқтириш мақсадида баҳолашнинг рағбатлантириш усулидан фойдаланиш мумкин. Аввал, Шахрисабз туманидаги 6-мактабда, шунингдек, Шайхонтоҳур туманидаги 276-314-, 316-мактабларда она тили ва адабиёт фанидан дарс берганимда ушбу усулни синиб кўрганман. Яъни, ўқувчиларга дарс давомида ҳар бир ҳаракати — интилувчанлиги, тиришқоқлиги, жавобларининг тўғрилиги, шу билан бирга, ёзувининг аниқ ва чиройлилиги ҳам ҳисобга олинган баҳо қўйилса, чиройли ёзишга иштиёқи ортиб боради.

Толиб ЭНАЗАРОВ,
ЎЗМУ профессори

ЎҚУВЧИЛАРГА — МОЛИАВИЙ БИЛИМЛАР

Марказий банк томонидан Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди билан ҳамкорликда "Ўзбекистонда молия соҳасини ривожлантиришга кўмаклашиш" лойиҳаси доирасида белгиланган тадбирлар изчил амалга ошириб борилмоқда. Ана шундай тадбирларнинг бири Тошкент шаҳридаги 60-умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилди.

Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида аҳоли даромадлари микдори ўтган йили 17,5 фоиз ўсгани, ўртача иш ҳақи истеъмол саватчаси баҳосидан 4 баробардан зиёд ошганини таъкидлаб ўтди.

Аҳолининг банклардаги омонатлари ўсиши эса 34,6 фоизни ташкил қилиб, сўнгги ўн йилда бу кўрсаткич 40 баробардан ошди. 2012 йили мамлакатимиздаги барча инвестицияларнинг 20 фоиздан ортигини аҳоли инвестициялари ташкил этгани этиборга моликдир.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда аҳолининг бўш пул маблағларини банкларга кенг жалб этишни кучайтиришга алоҳида вазифа сифатида қаралмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг "2011—2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорли-

гини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қароридан ушбу даврда аҳоли ва хўжалик субъектларининг тижорат банкларидagi депозитлари ҳажми 2,5 мартага ошириш кўзда тутилган. Бу вазифани эса аҳоли, хусусан, йигит-қизларнинг молиявий саводхонлигини ошириш орқали ҳал этиш мумкин. Бинобарин, Жамғарма кассалари фонди билан ҳамкорликда аҳолининг молиявий билими даражасини ошириш ва жамғариш маданиятини шакллантиришга йўналтирилган тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш режаси ишлаб чиқилган.

Халқаро экспертлар этироф этишича, аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш мактаб ёшидаги болалардан бошланиши мақсадга мувофиқдир. Чунки ёш авлоднинг молиявий билимларининг асосий тушунчаларига эга бўлиши — келажакда банк мижозларига

айланишига замин яратди.

— Шу кунларда биз Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишнинг янги модули асосида иш бошладик, — деди Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди департаменти директори Маттиас Фос. — 2011 йили Марказий банк билан ҳамкорликда миллий валютада аҳоли жамғармаларини мобилизация қилиш бўйича стратегия ишлаб чиқилди. Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан ортигини ёшлар ташкил этади. Шу боис молиявий билимларни ошириш мактабдан бошлашга қарор қилдик. Лойиҳадан кўзланган мақсад — биринчидан, ёшларнинг молиявий билим ва кўникмаларини ошириш, иккинчидан, миллий валютада жамғармалар кўпайишини таъминлаш.

Мактаб жамоаси ва ўқувчилари иштирок этган семинарда тижорат банклари мутахассислари барқарор иқтисодий ўсиш суръатини таъминлашда инвестицияларнинг ички манбаи ҳисобланадиган жамғармаларнинг аҳамияти ҳамда пул маблағларининг молия ташкилотларида жамғарилиши аҳоли турмуш даражаси кўтариллишида муҳим ўрин тутишини таъкидлашди. Хусусан, бўлажак банк мижози сифатида мактаб ўқувчиларига айрим молия-

вий тушунчалар, пул ва унинг вазифалари, бўш пул маблағларини молия ташкилотларида жамғариш ва унинг бошқа афзалликлари хусусида тушунчалар берилди. Сўнгра "Халқ банки" мутахассислари мактаб ёшидаги болалар учун банкда очилган мақсадли омонат турлари афзалликлари баён этилган тақдирлар билан чиқиш қилишди. Тадбирда аҳоли омонатларининг 100 фоизлик химояланиш кафолати, сир сақланиши ҳамда олинган даромадларнинг солиқдан озод этилгани ҳам алоҳида қайд этилди.

Германиялик экспертлар бу борада ўз мамлакатларида тўплаган тажрибалар, хусусан, молия ташкилотлари томонидан аҳолининг ёш жиҳатдан турли гуруҳларига кўрсатиладиган молиявий хизматлар ҳақида батафсил сўз юритишди. Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг саволларига батафсил жавоб беришди.

Семинар якунида жамғарма ишларини самарали ташкил этиш, молия ташкилотлари ходимларининг янги ва замонавий жамғарма турларини ишлаб чиқишдаги профессионал билимларини ошириш, жамғарманинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда тугган бекиёв ўрнини аҳолига етказиш борасидаги фикр-мулоҳазалар баён этилди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

Mo'jiza qatidagi mo'jiza

УМР ЎТКИНЧИДИР,
ҲАЁТ АБАДИЙ

"Она ўйлари" нима ҳақида сўйлайди?

Иккинчи сабоқ

Муҳтарам муштарий, хотирингизда бўлса, биз биринчи сабогимиз орқали санъат, хусусан, тасвирий санъат асарлари мазмун-моҳияти, рассом "айтмоқчи бўлган гап"ни теран тушунишнинг инсон камолотига таъсири хусусида сўз юритган, мутахассис мулоҳазалари орқали бу борада имкон қадар сизга кўмаклашишга уринган эдик. Камолитдин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси, санъатшунос Зуҳра Раҳматова иштирокидаги суҳбат-сабогимиз эса Ўзбекистон халқ рассоми, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиб Раҳим Аҳмедовнинг машҳур "Она ўйлари" асари таҳлилига бағишланади.

— Сўзимиз аввалида Раҳим Аҳмедов, рассомнинг ижодий фаолияти хусусида қисқача тўхталиб ўтсак.

— Ўзбекистон миллий рангтасвир санъати мактабининг йирик вакили Раҳим Аҳмедов 1921 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Унинг асарлари чуқур психологик ифодалилиги билан алоҳида ажралиб туради. У, айниқса, портрет жанрининг етук устаси сифатида самарали ижод қилди. Асарларида ин-

соннинг ички ва ташқи олами мўйқалам орқали ҳақоний тасвирлай олишга эришди. Устоз узоқ йиллик ижодий изланишлари, машаққатли меҳнатлари махсули сифатида бадий жиҳатдан бетакрор, мукаммал композицион ечимни топишда импрессионистик анъаналари, шартли декоратив принциплари, ва албатта, реалистик анъаналарни уйғунлаштирган ҳолда ўзининг услубига, ўз дастхатига асос сола олдики, бу жуда катта муваффақиятдир.

Мусаввир мамлакатимиз мустақиллигини интиқлик ва қувонч билан қарши олди. Бу сурур унинг юрт манзараларини ифодалаган, истиқлол йилларидаги бунёдкорликлар тараннум этилган асарларида ўз аксини топди. Забардаст ижодкор 2008 йили 87 ёшида вафот этди.

— Биз бугун рассом яратган портретларга мурожаат қиламиз. Шу боис ушбу жанрнинг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратсак.

— "Портрет" французча "портраит" сўзидан олинган бўлиб, кишиларнинг чеҳрасини худди ўзига ўхшатиб тасвирлаш маъносини билдиради. Портретда кишилар яққа ёки икки киши, гуруҳ сифатида, баъзи асарларда одамларнинг фақат боши,

айримларида белигача ёки бутун бўйи-басти билан тасвирланиши мумкин. Рассомлар ижодида автопортретларни ҳам учратамиз. Бундай ишларни мўйқалам соҳиб аксарият ҳолатларда кўзгудаги аксига қараб яратди.

Портрет ижодкорнинг натурани кузатиш, хотирадаги чизгилар, шахснинг фотоси, архив материаллари, шунингдек, адабий тасвир, баъзида эса ҳатто марҳумнинг бош чаногини ўрганиш орқали ҳам дунёга келиши мумкин. Бу жанр устида ишлар экан, рассом ўз ҳаётининг ташқи қиёфасидаги ўхшашликка эришишдан ташқари, унинг касби, миллати, шахсининг ички кечинмалари, кайфияти, маънавий олами каби жиҳатларга ҳам эътибор қаратмоғи жоиз.

Дастлабки портретлар Қадимги Юнонистонда миллоддан аввалги VII—V асрларда яратилган. Ушбу жанр ўрта асрлар Шарқ миниатюрачилари ижодида ҳам кенг ривож топди. Камолитдин Беҳзод, Леонардо да Винчи, Микеланжело, XVIII—XIX асрларда О.Ренуар, П.Пикассо, XX аср рассомларидан А.Абдуллаев, Ч.Аҳмаров, В.Кайдалов, жумладан, портрет жанрида ҳам самарали ижод қилишган.

(Давоми 16-бетда).

Тун. Оймомо булутлар орасидан мўралайди. Аҳён-аҳёнда юлдузлар кўзини юлиб, хира тортган сари бобо кўёш пайдо бўлади. Замин миллион рангда товланади. Кетмон чопаетган деҳқон ва гулдан гулга кўниб уйнаётган капалак сиймосида тирикчилик ва тириклик курашга киришади. Хув, олисроқда тоғ бағрида ёлғиз арча барқ уриб ўсайапти. Ёлғизлик нимадан дарак? Балки бу соҳибини ҳилватга бошлаган, уйғоқ юрак билан

қиз билим олмақда. Уларнинг 83 нафарига яққа тартибда дарс берилади. Шу билан бирга, ўқувчи қизиқишига қараб касбга йўналтириш ишлари ҳам олиб борилади.

— Яққа тартибда таълим олувчи ўқувчилар учун ярақатли шарт-шароитлар Амруллонинг истеъдодини рўёбга чиқарди, — дейди мактаб директори. — Барча болалар каби у ҳам бепул дарслик, ўқув қуроллари билан тўлиқ таъминланган. Кўнгли синиқ, яшашга иштиёқи сўнган болаларни руҳан тетик, ақлан бақувват қилиб тарбиялаш-

Maxsus ta'lim

МАШАҚҚАТНИНГ
МЕВАСИ

ҳам илгаш мушкул бўлган ва камдан-кам кишигагина насиб қиладиган туйғудир...

Эндигина саккиз ёшчи қаршилаган Амрулло Набижоновнинг табиатга мусаввиронинг ёндашуви, чизган суратларнинг маъно-мазмун жиҳатдан бойлиги кишида ҳавас уйғотарди. Ногирон болакайнинг кучли истеъдод соҳиб эканидан хабар топган Қарши шаҳридаги 33-имконияти чекланган болалар учун ихтисослашган мактаб раҳбарияти Косон туманига бориб, Амруллони ўқишга қабул қилиш таклифини билдиришди. Бошида ота-ониси ва яқинлари бунга кўнишмади. Улар боланинг кўнглини савод олишига тўқсинлик қилди, руҳи чўқади, деб ўйлашди. Директор Максуда Холмирова болага ўз уйида сабоқ берилишини тушунтиргач, муаммо ҳал бўлди. Мактабнинг дефакто ўқитувчилари саъй-ҳаракати туфайли Амрулло нафақат чизган расмлари балки, фанларни ўзлаштиришдаги фаоллиги билан ҳам устозлари ва яқинларини хурсанд қилмоқда.

Таълим масканда Амруллога ўхшаган 133 нафар ўғил-

нинг юки огир. Бунинг учун малакали психолог ёрдами зарур. Имконияти чекланган ўғил-қизларга билим беришга уч-тўрт ҳисса кўп меҳнат сарфланади. Бизга фидойи, меҳрибон мутахассислар даркор. Қарши давлат университети раҳбарияти билан келишиб, педагогика ва психология факультети талабаларини мактабимизда амалиёт ўтатишга шароит яратиб бердик. Профессор-ўқитувчилар билан доимо ҳамкорлик, улар илмий маслаҳатларини бериб боришади. Ахир, бизда Амруллодай иқтидорли ёшлар кўп.

Мактабдан кетишга чоғланарканмиз, Амруллонинг яқинда яратган суратлари диққатимизни тортиди. Боласига капалак ушлаб беришга чоғланган ота ва қанотлари мовий капалак. Гўёки у гулга эмас, инсоннинг қўлига кўниб тургандек... Гўёки тирикчилик эмас, тириклик боқийдек туюлади. Амрулло тимсолида ҳаётсеवारлиқни, туганмас бир матонатни кўрдик.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
"Ma'rifat" муҳбири

ИНТИЛИШ МАҚСАДГА ЭЛТАДИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факультети таржима назарияси ва амалиёти йўналиши I босқич магистранти Наргиза Илҳомова бир эмас, бир неча чет тилларини мукаммал ўзлаштирган. Унинг ўзи бу борада "Хорижий тилларни билиш ўзликни унуттиш ёки она тилимизда сўзлашмай қўйишга сабаб бўлиши эмас, дунё тажрибасини ўрганиш учун восита бўлиши зарурдир", дейди. Наргиза мана шу қарашга қатъий амал қилиб, кўплаб хорижий асарларнинг ўзбек тилида ўқувчиларини топишга кўмаклашишни мақсад қилган ҳолда илмий изланишлар олиб бораётти.

Наргиза олдинга инглиз тили билан шуғулланган бўлса-да, кейинчалик немис тилига қизиқиши ортиб борди. Шу тилнинг мутахассиси бўлиш орзуси уни ҳозир таҳсил олаётган олий таълим муассасасига етаклаб келди. Иқтидорли талаба университетда таҳсил олиш мубайнада кўп бора ўз иқтидорини намойиш этди. 2009 йили Япониянинг иқтидорли талабалар учун жорий қилинган "Сумитомо" стипендияси учун университетда ўтказилган танловда ғолиб бўлди. Бундан руҳланиб 2010 йилдан бошлаб Гёте институтида Германиядан келган малака оширувчиларга вақтинча ёрдамчи таржимон сифатида ишлади. Шу йилнинг октябрь ойида Германиянинг Мюнстер шаҳрида жойлашган Вильгелм университе-

тининг "Илмий малака ошириш" стипендияси танловиде муваффақиятли иштирок этди. Шу билан бирга яна бир ютуқ эгаси бўлди. Эндиликда у Германиянинг Кассель шаҳридаги Кассел университетида таҳсил олиш имтиёзини қўлга киритди ва 2012 йилнинг март ойига Германияда таҳсил олди. Наргиза ўқиб давомиде испан тилини ҳам ўрганди. Ҳозир у "Келажак овози"нинг "Келажак лингво" тиллар йўналиши "Салом, ўзбек тили!" лойиҳаси фаол иштирокчиси сифатида хорижликларга ўзбек тилини ўргатиб келмоқда. Наргиза ҳақида хорижий филология факультети катта ўқитувчиси Ҳафиза Қўчқорова шундай дейди:

— Наргиза Илҳомованинг салоҳияти бадий адабиёт билан бирга

илмий асарларни ҳам ўзбек тилига таржима қилишга етади. Бу ҳақида ўзига айтганимдан кейин бугун илмий асарлар таржимаси билан жиддий шуғулланапти. Унинг келажигига катта ишонч билдираман.

— Ота-онам ҳам, ўқитувчиларим ҳам инсоннинг улуғлиги унинг тафаккури билан боғлиқ эканлигини кўп бора таъкидлашган, — дейди Наргиза Илҳомова. — Илмий тадқиқот олиб бориш, янгилик яратиш тафаккур кучини ишга солиш эканлигини энди англамоқдаман. Она тилимиз ва немис тилини қиёслаб тадқиқотлар олиб бориш жараёнида, сезиларли даражада муаммоларга дуч келдим. Коммуникатив тилшунослиқда, яъни психолингвистика, социолингвистика, матн тилшунослиги, когнитив тилшунослик ва лингвистик прагматикада бу борадаги илмий ишлар, қўлланмалар деярли учрамайди. Шу сабабдан магистрлик диссертацияда ўзбек ва немис тилларидаги таржималарда модаллиқни ифода этиш усулларини тадқиқ этмоқчиман. Тўғри, қисқа вақт ичида янгилик яратиш қийин. Муҳими, тилшунослик ривожига

Barkamol avlod — yurt kelajagi

ҳисса қўшам дейман. Қолаверса, педагог сифатида ҳам фаолият олиб бориб, бўлғуси таржимонларга, тилшунослик мутахассисларига таълим бериш мақсадимдир. Айтишади-ку: "Мақсаднинг учун чин юракдан бир қадам ташласанг, мақсаднинг шу бир қадамнинг учун ўн, керак бўлса юз қадам сен томонга яқинлашади". Астойдил излансам, албатта, кутган натижаларимга эришаман.

Хулоса ўрнида тенгдошимизнинг куйидаги фикрларини келтириш ўринли.

— Француз биолог олими Пастернинг сўзларини доим такрорлайман: "Фан Ватанининг энг юксак қиёфаси бўлмоғи зарур. Зотан, барча халқлар ичида фикр ва ақлий фаолият соҳасида бошқалардан ўзи кетган халқгина биринчи ўринни олади". Бу Ватаним олдидаги масъулият ва вазифаларимни бажаришим зарур эканлигини эслайтиб туради.

Учун АБДУГАФФОРОВ,
ЎЗМУ магистранти

XX asr sўngiga qadar kirlarni эритувчи асосий восита сифатида сувдан фойдаланилган. Н.Онинг эритувчанлик хусусиятини ошириш учун эса унга кул, тухум сариғи, ўсимлик қобиғи, мевалари ва илдиэларини кўшишган. Милоддан аввалги олтинчи асрда галлар ва финикияликлар ёғоч кули ва эчки ёғидан совун тайёрлашни ўрганишган. Милодий 600 йилга келиб, совун тайёрлаш сирлари Франция, Испания, Германия ва Италияда кенг тарқалди. Аммо ипак ва жун матоларни ювишда ҳамда мураккаб доғларни йўқотишда бу восита самарасиз эди. Замонавий тозалаш усуллари эса тасодифий бир воқеа сабаб пайдо бўлган.

Манбаларда келтирилишича, 1825 йили парижлик буюкчи Жан-Батист Жолли тасодифан керосин чироқни дастурхон устига тушириб юборган ва мато устидаги доғлар унинг кўз ўнгидан ғойиб бўлган. Кейинчалик Жолли ўғли билан кийим тозалаш устахонасини очибга қарор қилади. Уларнинг кирларни қуруқ тозалаш технологияси узоқ вақтгача сир сақланган ва инглизлар бу усулни "Французча тозалаш" деб аташган. Жолли фойдаланган тозаловчи восита камфин — осон ёнувчи модда бўлиб, ўз вақтида чироқлар учун ишлатилган.

Тарихий манбаларда "Қуруқ тозалаш" атамаси табиий эритувчилар пайдо бўлишидан аввал ҳам кўлланилган ҳақида маълумотлар бор. Бунда, асосан, кирларни шимиб олувчи моддалар ва кукунлар ёрдамида матоларни тозалаш усуллари назарда тутилган. Мазкур усуллардан Рим империяси давридаёқ кийимдаги доғларни тозалаш мақсадида фойдаланилган.

Кийим доғларини тозалашда эритувчидан фойдаланишнинг қатор афзалликлари бор эди. Масалан, битта костюмни ювишга бир ярим соат, дазмоллаш учун яна бир ярим соат вақт кетган бўлса, эритувчи ёрдамида ярим соатда костюмни ювиш ва бир соат ичида дазмоллаш мумкин.

Бу усул, юқорида айтганимиздек, Францияда кашф қилинганга қарамадан, унинг механизациялаштирилган кўринишига 1869 йили британияликлар асос солишган. Бошида кимёвий тозалаш учун бензин ва керосин каби нефть маҳсулотлари ишлатилган. Бироқ уларнинг ёнувчанлиги боис, тез-тез ёнган ва портлашлар содир бўлиб турарди. Ушбу муаммо кимёвий тозалаш бўйича атлантик мутахассис Уильям Жозеф Стоддарднинг ўйлантриб қўйди ва уни махсус эритувчи воситани ишлаб чиқаришга ундади. Кейинчалик мазкур бирикмага Стоддард номи берилди. Унинг ёнувчанлиги бошқа нефть маҳсулотлариникига қараганда камроқ эди.

Биринчи жаҳон урушидан сўнг турли хлорли эритмалар-

дан фойдаланила бошланди — уларнинг нефть маҳсулотларига қараганда хавфсизлиги ва кирларни яхшироқ тозалашига яққол кўриниб турарди. 1930 йилларга келиб, кимё-

да тозалашни назарда тутарди. Уй шароитида кир ювишдан фарқи шуки, бунда махсус ускуналар ҳамда профессионал кимёвий воситалардан фойдаланилади. Акватозалаш асосан устки либос ва махсус моддалар (сув ўтказмайдиган, оловдан ҳимояловчи ва б.) шимдирилган кийимлар учун мўлжалланган. Шунингдек, сунъий тотали матоларни ҳам аква усулида тозалаш тавсия этилади.

Шуни унутмаслик лозимки, кимёвий тозалашдан асосан оддий усулда кетмайдиган кир ва доғларни йўқотишда фойдаланиш лозим.

Бугунга келиб кимёвий тозалаш хизмат кўрсатишнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Деярли ҳар бир

нига эга. Идеал ҳолатда бир килограмм кийим-кечак учун ҳар дақиқада саккиз литр эритувчи керак бўлади. Аммо бу ўлчам машиналар ҳажмига қараб турлича бўлиши мумкин.

Машинага жойлаштиришдан олдин буюмлар оператор кўригидан ўтказилиб, доғларнинг турига қараб кийимлар ўзига хос катализаторларга қўйилади. Катализатор ҳам мато ва доғлар турига мувофиқ



ОЗОДАЛИК САРИ ИШОНЧЛИ ЙЎЛ

вий тозалаш учун тетрахло-ретилен (перхлорэтилен)дан фойдаланиш урф бўлди. Ушбу кимёвий модда ёнмайди ва кийимларга деярли зарар етказмаган ҳолда кирлардан халос этади. Шу жиҳатдан идеал тозаловчи восита сифатида тан олинган. Ҳозирга қадар ҳам у бутун дунёда кийимларни тозалашда асосий эритувчи сифатида ишлатилади. 1987 йилгача кийимлар 113 фреони муҳитида қайта ишланган, аммо у Ер атмосферасининг озон қатлами учун зарарли экани маълум бўлган, мазкур моддани фойдаланиш қатъиян ман қилинган.

Иккинчи жаҳон уруши сўнгидея куруқ тозалаш машиналарининг кескин тараққийи натижасида илк маиший хизмат кўрсатувчи кимёвий тозалаш устахонаси фаолиятга йўлга қўйилди. Бу пайтга келиб буюртмаларни бажариш мuddати бир ҳафтадан 4 соатгача қисқарди.

Ҳозирги кунга келиб кийимларни кимёвий усулда тозалашнинг асосий уч тури мавжуд:

— Перхлорэтилен ёрдамида тозалаш — энг кенг тарқалган усул бўлиб, у доғлар ва кирларни максимал даражада йўқота олади. Шунингдек, ипак ва жун матоларни тозалашда энг мақбул усул сифатида тан олинган. Перхлорэтилен муҳитида тозалаш мумкин бўлган кийимлар этикеткасида махсус белги — доира ичига олинган "P" ҳарфи кўрсатилади.

— Углеводородли эритмалар воситасида кимёвий тозалаш. Кийим жути кир бўлмасига бу усул фойда беради. Чунки углеводородларнинг эритувчанлик хусусияти перхлорэтиленникидан икки мартаба кам.

— Акватозалаш. Бу усул сув муҳитида махсус детергентлар ёрдами-



шахарлик йилига камида икки-уч мартаба бу хизматдан фойдаланади. Замонавий кимёвий тозалаш ускунаси кийим куридикча эга кир ювиш машинасини ёдга солади. Тозаланиши керак бўлган кийим ва матолар сават ёки "барабан" деб аталувчи тозалаш камерасига жойлаштирилади. Бу, ўз навбатида, кимёвий тозалаш маркази ҳамдир. Ювиш бўлмасида айланувчи горизонтал перфораторли барабан жойлашган. Барабанга кийимлар солинган, машина асосига эритувчи восита қўйилади.

Машина ҳажмига, барабаннинг юк қўтариш массасига қараб, бир мартада 10 килограмдан 100 килограмгача кийим-кечакларни тозалаш мумкин. Ювиш жараёнида камеранинг таҳминан учдан бир қисми эритувчи билан тўлдирлади ва матолар биргаликда айлана бошлади.

Ювиш давомида камерага доимий равишда ишчи резервуардан янги эритувчи кириб туради, ишлатилиб бўлган эритувчи эса дистилловчи қозон ва конденсатордан иборат филтрга жўнатилади. Шуниси аҳамиятлики, замонавий кимёвий тозалаш машиналари тозалаш жараёнида ишлатилган эритувчининг 99.99 фоизини қайта тиклаш имко-

дақиқа ичида тозаланади. Углеводород эриткичи машиналарда ювиш жараёни 25 дақиқадан кам давом этмайди, негаки унда доғлар секин эриydi. Шундан сўнг машина чайишни бошлайди. Эриткич кийимнинг кир зарралари таъсирида рангини йўқотмаслигига ёрдам беради.

Машина ичида эритувчи қолмаган, у қуритишни бошлайди. Бунда тозаланаётган буюмлар илик ҳавонинг (63°C) узлуksиз окимида айлантририлади. Албатта, ҳаво ҳароратини бошқариб туриш керак, боиси, ҳаддан ташқари юқори ҳароратда мато қуриб қолиши ва сифатини йўқотиши мумкин. Сўнг илик ҳаво совутовчи тизим орқали ўтади ва буғлар йиғилиб, эриткичи резервуарга қайтарилди. Қуритиш жараёни туғача, дезодорация (шамоллатиш) бошланади ва буюмларни совутиш ҳамда устидан салқин ҳаво пурқаш орқали улар сўнгги эритувчи қолдиқларидан тозаланади. Жараёни сўнгидея куруқ, хидсиз ва энг асосийси, тоза кийим-кечакларга эга бўлаемиз.

Бугунги кунда кўплаб кимёвий тозалаш устахоналари ўз миқозларига аква тозалаш хизматини таклиф этмоқда. Таъкидлаш керакики, тозалашнинг бу тури ҳамма буюмларга ҳам тўғри келавермайди. Шу сабаб, аква тозалаш хизматидан фойдаланиш олдида мутахассис билан маслаҳатлашиш лозим.

Аква тозалашнинг афзаллиги шундаки, у экологик жиҳатдан энг соф ва безарар ҳисобланади. Аква тозалаш "Aqua Clean" технологияси асосида амалга оширилади. Бунда буюмлар кам миқдордаги сув ва махсус кўшимчалар, детергентлар ёрдамида тозаланади. Аква тозалаш ингичка мато тозаларини сув таъсиридан сақлайди ва сунъий, аралаш ва баъзи табиий мато турлари учун қулай саналади. Аква тозалаш жараёнида хид қолдирмайдиган, тез парчаланувчи ювиш воситалари ишлатилди ва шу сабаб, у нафақат одамлар, балки атроф-муҳит учун ҳам безарардир. Баъзи ҳолларда кимёвий усулда тозалаш мумкин бўлмаган матоларни "Aqua Clean" технологияси асосида тозалаш тавсия этилади. Жун ва ипак матолар, плашлар, спорт кийимлари, пардалар, чойшаблар, шумшоқ ўйинчоқлар, шунингдек, тўй либослари, чарм ва сунъий матолардан тикилган кийимларни аква усулида тозалаш мумкин.

Одатда ювиш жараёни кийим-кечаклар тури ва кирлик даражасига қараб, 8—15 дақиқа давом этади. Матога сингиб кетган доғ 10—12

дақиқа ичида тозаланади. Углеводород эриткичи машиналарда ювиш жараёни 25 дақиқадан кам давом этмайди, негаки унда доғлар секин эриydi. Шундан сўнг машина чайишни бошлайди. Эриткич кийимнинг кир зарралари таъсирида рангини йўқотмаслигига ёрдам беради.

Машина ичида эритувчи қолмаган, у қуритишни бошлайди. Бунда тозаланаётган буюмлар илик ҳавонинг (63°C) узлуksиз окимида айлантририлади. Албатта, ҳаво ҳароратини бошқариб туриш керак, боиси, ҳаддан ташқари юқори ҳароратда мато қуриб қолиши ва сифатини йўқотиши мумкин. Сўнг илик ҳаво совутовчи тизим орқали ўтади ва буғлар йиғилиб, эриткичи резервуарга қайтарилди. Қуритиш жараёни туғача, дезодорация (шамоллатиш) бошланади ва буюмларни совутиш ҳамда устидан салқин ҳаво пурқаш орқали улар сўнгги эритувчи қолдиқларидан тозаланади. Жараёни сўнгидея куруқ, хидсиз ва энг асосийси, тоза кийим-кечакларга эга бўлаемиз.

Бугунги кунда кўплаб кимёвий тозалаш устахоналари ўз миқозларига аква тозалаш хизматини таклиф этмоқда. Таъкидлаш керакики, тозалашнинг бу тури ҳамма буюмларга ҳам тўғри келавермайди. Шу сабаб, аква тозалаш хизматидан фойдаланиш олдида мутахассис билан маслаҳатлашиш лозим.

Аква тозалашнинг афзаллиги шундаки, у экологик жиҳатдан энг соф ва безарар ҳисобланади. Аква тозалаш "Aqua Clean" технологияси асосида амалга оширилади. Бунда буюмлар кам миқдордаги сув ва махсус кўшимчалар, детергентлар ёрдамида тозаланади. Аква тозалаш ингичка мато тозаларини сув таъсиридан сақлайди ва сунъий, аралаш ва баъзи табиий мато турлари учун қулай саналади. Аква тозалаш жараёнида хид қолдирмайдиган, тез парчаланувчи ювиш воситалари ишлатилди ва шу сабаб, у нафақат одамлар, балки атроф-муҳит учун ҳам безарардир. Баъзи ҳолларда кимёвий усулда тозалаш мумкин бўлмаган матоларни "Aqua Clean" технологияси асосида тозалаш тавсия этилади. Жун ва ипак матолар, плашлар, спорт кийимлари, пардалар, чойшаблар, шумшоқ ўйинчоқлар, шунингдек, тўй либослари, чарм ва сунъий матолардан тикилган кийимларни аква усулида тозалаш мумкин.

Висола ҚАРШИБОВА
тайёрлади.



ЁҒЛИ ОВҚАТ — ЁМОН КАЙФИЯТ

Ёғ ва углеводлар нафақат организмга, балки мия фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатар экан. Монреал университети (Канада) тадқиқотчилари томонидан ўтказилган тажриба доимий равишда ёғли маҳсулотлар билан боқилган сичқонлар миясининг кимёвий таркиби ўзгариши оқибатида жониворлар депрессияга мойил бўлиб қолишини кўрсатди.

"International Journal of Obesity" нашрида ёзилишича, дастлабки ўзгаришлар кемирувчилар вазнида эмас, балки хатти-ҳаракатларида кўзга ташланди. Ёғли маҳсулотларни мунтазам истеъмол қилган жониворларда эҳтиёткорлик кучайди, улар янги хуудларни "ўзлаштириш"дан кўра, беркинби ётишни афзал билишди. Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, сичқонлар миясида дофамин ва кортикоостерон гормонлар синтези учун жавобгар CREB омили кўрсаткичи кескин ошган.

Дофамин, маълумки, қониқ қисми билан боғлиқ нейрон занжирларини ҳаракатга келтиради, кортикоостерон эса стресс гормонларидан биридир. Олимларнинг сўзларига кўра, ёғли маҳсулотлар организмнинг стрессга таъсирчанлигини оширади ва бу, ўз навбатида, овқатдан қониқ қисмини бартараф этиб, кўпроқ ейишга ундайди. Овқат қанчалик ёғли бўлса, шунчалик кўп дофамин ишлаб чиқарилади, стресс ҳам шунга яраша кучли бўлади. Балки шу туфайли ортиқча вазнга эга одамларнинг озиши қийин кечар, дея тахмин қилишмоқда тажриба муаллифлари.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, ёмон кайфиятдаги одамларга фаст-фуд таомларини иложи борича емаслик тавсия этилади. Зеро, депрессияга ишдаги келишмовчиликлар эмас, балки тushlikда истеъмол қилинган ўта ёғли гамбургер ҳам сабаб бўлиши мумкин.



Бу сафар олимлар диаметри 10 нанометрли эмас, балки 100 нанометрли тажриба найчасидан фойдаланишди. Олинган натижалардан маълум бўлишича, реакцияга киришиш тезлиги кескин ошган. Зарра сиртининг ўсиши деярли мутаносиблашган. Водород эса хона ҳароратида, нормал босимда сувдан ажралиб чиққан ва унинг тезлиги оддий соф кремнийга қараганда минг марта кучлироқ бўлган. Мухими, реакцияга киришадиган моддалар захарли бўлмай, зарарсиз кремний кислотаси ва кислороддан иборат.

Албатта, арзон ҳисобланадиган кремний олиш учун зарур кичик ўлчамдаги нанонайча катта ҳажмдаги энергия сарфланишини талаб этади. Шу боис, мазкур янги турдаги наноматериал ёрдамида фақатгина сувдан водород ва кислород олишнинг ўзига хос жиҳатларини ишлаб чиқишда фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Бошқа соҳаларда қўлланилишини эса аста-секин йўлга қўйиш мумкин, дея таъкидланмоқда тадқиқот ҳисоботлари чоп этилган "Nano Letters" журналыда.

СУПЕРЕЛИМ СИНГАН СУЯКЛАРНИ ДАВОЛАЙДИ

Швециянинг Қироллик технологик институти олимлари тананинг синган қисмларини даволашда қўлланилувчи янги модда — суперелимни яратишга муваффақ бўлдилар.

Ихтирочиларнинг сўзларига қараганда, мазкур моддадан нафақат оддий, балки мураккаб вазиятларда содир бўлган ҳолатларда, масалан, умуртқа поғонаси ёки бош суюги шикастланганда ҳам фойдаланиш мумкин. Суперелимнинг ишлаш тарзи қуйидагича: у синган соҳага қўйилади ва галогенли лампа ёрдамида қуритилади. Клей қуриганидан сўнг ўсиш жараёнида синган суюк билан битишиб, организмга сингиб кетади. Шу билан бирга, у суюклардаги тиклаш жараёнини ҳам жадаллаштиради.

Ишлаб чиқарувчиларнинг қайд этишича, Суперелимдан фойдаланилган ҳолатларда аънавий даво турларидан бири — металдан тайёрланган махсус пластинларни қўллаш мумкин эмас.


Бу борадаги тажриба-синов ҳозирча жониворлар устида ўтказилаётир. Агар қўтилган натижага эришилса, мазкур янгилик жорий йўлнинг ўзидаёқ амалиётга татиқ этилиши кутилмоқда.

КУЧЛИ ҲИМОЯЛАНГАН НОУТБУК

Мустаҳкам ҳимоя қобилига эга маҳсулотларни тайёрлашга ихтисослашган "Handheld" компанияси ўз расмий сайтида шу турдаги ноутбукларни эркин сотувга чиқаришини маълум қилди. "Algiz XRW" деб номланган янги ноутбук февраль ойи охирида савдо растанларини эгаллаши мумкин.

Компьютер 10,1 дюймлик экран, 1,6 ГГц. частотали икки ядрга эга Intel Atom N2600 процессори билан жиҳозланган. MaxView технологияси эса унинг обхаво инжиқликлари, зарбалар ва бошқа ноҳуш ҳолатларга чидамлилигини таъминлайди. Унинг корпуси мустаҳкам пластик ва резинадан тайёрланган. Бундай мустаҳкам материаллар ноутбук 1-2 метр баландликдан тушиб кетганида ҳам ўз ишини давом эттиришига ёрдам беради. Янги маҳсулотнинг вазни 1,6 килограмм бўлиб, 4 гигабайтлик оператив хотира, 128 гигабайтлик қаттиқ диск ва симсиз алоқа адаптерлари — Wi-Fi, Bluetooth, 2 мегапикселли веб-камера сингари қурилмаларга эга. Ноутбук бир марталиқ қувват билан 8 соатча автоном тарзда ишлаши мумкин.

С.СИРОЖИДДИНОВА, В.ҚАРШИБОЕВА тайёрлади.



ТУШ МАЗМУНИНИ БИЛИШ МУМКИН

Япониялик нейробиологлар функционал томография асосида тушларнинг визуал мазмунини башорат қилиш имкониятига эга бўлишди. Тадқиқот натижалари Янги Орлеанда ташкил этилган нейробиология анжуманида эълон қилинди.



Тажрибалар бир неча ҳафта мобайнида кунига уч соатдан олиб борилди. Кўнгиллилар томограф ичига ётқузилиб, ўша ерда ухлашди. Тажриба иштирокчилари мияда туш бошланишига хос электр фаоллик кузатилган вақтда уй-

фотилиб, улардан кўрган тушнинг мазмунини айтиб бериш талаб этилди. Бир соат ичида 6-7та шу каби ухлаш ва уйғониш сеанслари ўтказилиб, ҳар бир кўнгилли ўз тушининг мазмуни ҳақида тахминан 200 мартаба сўзлаб берди.

Тадқиқот иштирокчиларининг вербал маълумотлари ичидан мутахассислар тушларда энг кўп учрайдиган 20та калит сўзни (масалан, "автомобиль" ва "эркак") ажратиб олишди. Кейин кўнгиллиларга уйғоқ вақтда тегишли суратлар кўрсатилиб, вужудга келувчи мия фаоллиги ёзиб олинди.

Натижада, миянинг электр фаоллиги асосида кўнгиллиларнинг тушидаги образларни аниқлаш имкони туғилди.

— Уйғонишдан 9 сония аввалги мия фаоллигини таҳлил қилгач, биз кўнгиллининг тушида, дейлик, "эркак" образи бор ёки йўқлигини 75—80 фоиз аниқликда айта олардик, — дея маълумот беради "Nature News" журналыга тажриба муаллифларидан бири.

КРЕМНИЙЛИ НАНОНАЙЧАНИНГ ХУСУСИЯТИ

Нью-Йорк штатидаги Буффало университети олими Марк Свихарт бошчилигидаги тадқиқотчилар гуруҳи кремний нанонайчаси ёрдамида сувдан водородни ажратиб олиш методини тадқиқ қилдилар.

Шу пайтга қадар сувдан водород олишда асосан алюминий бирикмасидан фойдаланиб келинган. Сувда кислотадан водороднинг парчаланиши кремний найчаси ёрдамида амалда синиб қўрилган бўлса-да, унинг самардорлик даражаси алюминийдан камроқ ҳисобланади.



Б оливида шаҳарлараро қатновчи 2та йўловчи автобуси ҳайдовчиларининг тезлики руҳсат этилган меъёрдан ошириши натижасида келиб чиққан ҳалокат оқибатида 17 киши ҳаётдан кўз юмган, 45 нафарга яқини эса турли даражада жароҳат олган.

Франция матбуотида чоп этилган манбаларга асосланиб, "The Local" сайтининг хабар беришича, ҳукумат томонидан мамлакат қонунчилигида зид тарзда миллионерларга солинадиган 75 фоизлик солиқ ставкасидан воз кечишга қарор қилинган.

Жанубий Африкадаги "Rakwena Crocodile Farm" тимсоҳлар етиштириш билан шуғулланувчи фермада юзага келган сув тошқинини бартараф этиш мақсадида тимсоҳхоналарнинг очиб юборилгани туфайли 15 мингга яқин тимсоҳ қочиб кетган, дея хабар беради "France-Presse" ахборот агентлиги.

Чикаго округ суди томонидан 2008 йили Мумбайда содир этилган хунрезликда Покистон террорчилик гуруҳларига ёрдам берганликда айбланаётган 52 ёшли Америка фуқароси Дэвид Хэдли 35 йиллик қамоқ жазосига маҳкум этилди.

АҚШнинг бир неча штатларида кузатилаётган кучли совуқ кўчаларда бахтсиз ҳодисалар сонининг орттишига, бир неча кишининг ҳаётдан кўз юмиши ва кўплаб одамларнинг жароҳатланишига сабаб бўлмоқда.

Т.Н.Кори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти раҳбарияти ва жамоаси институтнинг Қорақалпоғистон филиали директори ўринбосари, педагогика фанлари номзоди, катта илмий ходим Аскарбай Тилеғеновга оиди
Шамангул ЮСУПОВанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридagi Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази жамоаси масъул ходим Балхия ШУКУРОВАга оиди

Ханифа ШУКУРОВАНИНГ вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Gurung

Наҳорда оч қоринга озгина исириқ ей-диган киши жигар хасталиклари, истиско, ичак яллиғлиниши, қорин дам бўлиши, балғам ва бавосилдан фориг юради.

Кишининг ичи кетса, товук гўштини қайнатиб, тузлаб тановул қилсин.

Агар кишида қабзият бўлса, карафс- (селдерей) уругидан тановул қилсин.

Агар киши кўнгил айнишидан қийналса, аввалдан шакар себиб кўйилган яллиз баргини есин. Яллиз истеъмол этиш танани балғамдан фориг қилади.

Агар ҳомиладор аёл овқатга тез-тез исириқ ишлатса, туғишда оғриқ бўлмайди.

Кўзи ёриш арафасидаги аёл ёгда қовурилган яллиз истеъмол қилса, бе-лидаги оғриқлар даф бўлади.

ЛУҚМОН ҲАКИМ

ТИББИЙ
ТАВСИЯЛАР

Саримсоқ хомлиғича ейилса, ошқозон куртини ўлдиреди.

Юраги хаста кишиларга исириқни туйиб, майда элакдан ўтказиб, кунжут мойи кўшиб, ҳар куни уч мисқолдан тановул этиш тавсия қилинади.

Мадор қуриши, тана ҳароратининг ортishi, бўйин, қулоқ, кўз атрофидаги оғриқлар — қон айланиши бузилганининг аломатидир.

Анжир еган киши балғамдан халос бўлади.

Сурункали йўталга қайнатилган турп ейиш фойда беради.

Анжир сутда қайнатиб ейилса, йўтал қолади.

Йўтал қийнаган киши турпни асал билан еса ҳам бўлади.

Эрталаблари шолғом еган киши йўталга дучор бўлмайди. Яна, шолғом nafasни yumshatib, o'pkani tozalaydi ham.

Саримсоқни турп ва туз билан еган кишининг оғзи қуриб қолмайди.

Тил касалланса, пиёз, яллиз, сулидан бот-бот истеъмол қилинг.

Наҳорда пиёз ейдиган кишининг овози тоза, равшан бўлади. Пиёз балғам тушишига кўмак беради, боддан халос қилади.

Оғиздаги ёқимсиз хидларни йўқотиш учун сутга туйилган кашнич аралаштириб, оғизни чайиш керак.

Шабкўрлик азобини тортаётган киши кўзига кашнич билан мойчечак қайнатмасидан кўйса, дарддан халос бўлади.

САЛОМЛАШИШ ОДОБИ

Салом саломатлик маъносини ифодалайди. Агар сендан неча мавридда саломлашиш керак деб сўрасалар, етти ҳолатда деб жавоб бергин. Аввало: ёру дўстларни, ака-укаларни кўрганда саломлашиш керак. Иккинчи: жамоат жойларига борганингда салом беришинг лозим. Учинчи: бирор хонадонга борсанг, у ерга салом бериб киргин. Тўртинчи: бир ерда жам бўлиб ўтирган кишилар даврасига кирсанг, саломлашгин. Бешинчи: кишилар ҳузурдан тураётганингда ҳам саломлашишни унутма, уни видолашиш (хайру хуш) саломи дейилади. Олтинчи: мақбарага, қабристонга борсанг, салом бер. Еттинчи: ўз хонадонингга кирганингда ҳам оила аъзоларингга салом беришни қанда қилма.

Ҳаммомда салом берилмайди. Қазои ҳолатдаги кишиларга, балинд овоз билан қироат қилаётган одамга салом бермайдилар. Отлиқ пиёдага, турган одам ўтирганларга салом бериши лозим.

Кичиклар катталарга, ёлғиз одам жамоат бўлиб турганларга салом беради.

Салом бераётган киши очиқ чехралаи бўлиши даркор. Имо-ишора билан эмас, овоз чиқариб саломлашиш керак.

САЁХАТГА ЧИКИШ
ТАРТИБИ

Саёхат кишиларга мардликни ўргатувчи мактабдир.

Саёхат донишмандликка ундовчи устоздир.

Агар сендан не сабабдан саёхат қилиш лозим деб сўрасалар, унинг

боиси учта дегин: дунёни кўриш, ўзини синаш, дўстлар орттириш учун саёхат қилинади.

Агар саёхатга чиқишдан сenga не фойда десалар, бунинг нафи катта дегин.

Биринчидан: саёхат қилсанг, саломатлигинг мустақкам бўлади, бунга обу хавонинг ўзгариши яхши таъсир қилади.

Иккинчидан: тарихий жойларни кўрасан, буюк кишиларнинг қадам-жоларини зиёрат қиласан.

Учинчидан: бир жойда муқим яшаш туфайли пайдо бўлган данғалиқдан фориг бўласан.

Тўртинчидан: ғаму қулфат, нохуш йўлардан хориз бўласан. Йўлда киши буларнинг барчасини унутади.

Бешинчидан: руҳан ёнгил бўласан.

Олтинчидан: янги илмларни ўрганиб, билимингни оширасан.

Еттинчидан: турли тоифадаги кишиларнинг донишмандона фикрларидан баҳраманд бўласан.

Саққизинчидан: хурматга лойиқ кишилар билан мулоқотда бўласан.

Тўққизинчидан: ўзингни узоқ ва оғир йўл синовидан ўтказасан.

Ўнинчидан: мусофирларни қадрлаш ва хурмат қилишни ўрганасан.

Агар сайёх нималарни билиши керак десалар, куйидагиларни айт: киши саёхатдан кўпроқ фойда олишни истаса, куёшининг илк нурлари билан бирга уйғониши, йўлда учраган ҳар бир нарсадан қониқиш ҳосил қилиши ва кунларни қувноқлик билан ўтказиши керак.

МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ
ОЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Агар сендан меҳмондорчиликнинг икки қоидасини биласанми,

Абу Аҳмад ибн Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ

«ЖОВИДОНИ ХИРАД»

(Боқий ақл)

Форс дониш-
мандларидан
Барзу ал-Ҳаким
насихатлари

У ёзди:

— Ҳар нарсанинг пайдо бўлиши учун бир сабаб бўлади. Шуниг учун нима-ики вужудга келган бўлса, аввало унинг сабабини қидирмоқ лозим. Масалан, яхши ҳаёт кечирishi сабаби муроса, сирнинг ошкор бўлмаслиги сабаби ўзгалар сирини очмасликда, ифрат сабаби ёмон ниятда кўз тикмасликда, гина сабаби бадфезилик, дўстлик сабаби очикюзилик, жудолик сабаби азоб, адоват сабаби хилофлик, хорлик сабаби тамаъ, иззат сабаби қаноат, нажот сабаби ростлик, улуғлик сабаби тавозеъ.

Яна Барзу ал-Ҳаким айтди:

— Агар сен ёлғончилик балосига дучор бўлмайин десанг, ростгўйлик хислатини шиор қил, нимаики айтсанг, айтганингда вафо қил, меҳнатга мубтало бўлмай десанг, меҳнат қилувчиларга раҳм кўзи билан боқ! Ҳасад дардига йўлқмай десанг, ўзгалар молу давлатга етса хурсанд бўл! Оқил кишиларга ёқмай қилишдан қўрқсанг, ҳаё отига мин!

Яна унинг сўзи:

— Ёлғончилик барча гуноҳларнинг бошидир. Ёлғончи ўз орсусига етиш учун ёлғон сўзларни тўқий-

ди, уни исботлаш учун қасам ичади. Бу билан ёлғонни ёпиш умидида бўлади. Бирор киши унинг ёлғончилигини ошкор қилса, уни душман деб билади. Натижада икки орада адоват ва жанг содир бўлади. Бу жанг кўп кишиларга зарар келтиради.

У айтди:

— Беш киши беш айбга йўл қўйса, беш хил пушаймонлик мевасини тотади. Биринчиси, зарур ишни орқага суради ва вақти кетади. Иккинчиси, яқин дўстни хафа қилади ва ба-лога мубтало бўлади, учинчиси, душмандан эҳтиёт бўлишдан гофил бўлади ва зиён кўради. Тўртинчиси, хаёли, покдомон хотинини қўлдан беради ва ёмон хотинга дучор бўлади. Бешинчиси, гуноҳ ишлардан қўрқмайди, оқибат ўлимга маҳкум бўлади.

Яна Барзу ал-Ҳаким сўзлади:

— Бир неча нарса борки, улар бошқа нарсаларга доимо тобеъдир. Масалан: мурувват ақлга, рой ва тадбир тахрибага, яқинлик муҳаббатга!

Сукрот ҳаким
насихатларидан

Ундан сўрадилар:

— Энг яхши бойлик нима?

У айтди:

— Холис дўст!

Бадавлат кишилардан бири бечоралик билан кун ўтказувчи Сукротни айблади. Сукрот унга:

— Агар мен хоҳласам, сен каби ҳаёт кечирishим мумкин! Аммо сен ҳеч қачон мен каби кун кечира олмайсан! — деди.

Бойлардан бири Сукротга:

— Сен жуда камбағал ва қуруқ қўлсан! — деди.

Сукрот унга:

— Агар сен фақирлик лаззатини билганингда эди, менга ачиниш ўрнига ўзингга ачинар эдинг! — деб жавоб берди.

Сукрот қариган чоғида мусиқа билан шуғуллана бошлади. Унга:

— Қариганда мусиқа ўрганишдан уялмайсанми? — дедилар.

У эса:

— Билишдан эмас, билмасликдан уялиш керак! — деб жавоб берди.

Бир киши Сукротга:

— Сен ўзингни дунё неъматларидан маҳрум қилдинг! — деди.

Сукрот:

— Неъмат нима? — деб сўради.

У киши деди:

— Семзи барра гўшт ейиш, шароб ичиш, чирроили кийиниш, гўзаллар билан ишрат қилиш!

Хусайн Воиз КОШИФИЙ

ОДДИЙ ҲАҚИҚАТЛАР

деб сўрасалар, шундай жавоб бергил: биринчидан, меҳмонларни ширин ва тотли таомлар билан зиёфат қилиш лозим; иккинчидан, меҳмонларни уйингга таклиф қилар экансан, улардан бирон нарса таъма қилмаслик зарур.

Агар сендан яна меҳмондорчиликнинг қандай қоидалари бор деб сўрасалар, куйидагича жавоб бергин:

Биринчидан, меҳмонни таъзим билан пешвоз ол ва уни энг тўрға ўтказ.

Иккинчидан, унга очиқ чехра билан муомала қил.

Учинчидан, қақирилмаган меҳмонни кўрсанг, бундан норозилигини сездирма.

Тўртинчидан, тасодифан келиб қолган меҳмонга алоҳида мурувват кўрсат.

Бешинчидан, баҳил бўлма, меҳмон учун бор нарсанигнги тўқиб сол.

Олтинчидан, ўзингни ўта ишбилармон кўрсатма. Агар меҳмон сенкига келган бўлса, бошқалардан бирор нарса таъма қилма.

Агар меҳмон ўзини қандай тутуши керак, деб сўрасалар, шуларни айт:

Меҳмоннинг оч ёки тўқлигини суриштирмаслик керак.

Уйдаги барча нозу неъматларнигн унинг олдига қўйиш лозим.

Меҳмонни кузатаётганда остонада хайрлашиш билан чегараланмаслик керак. Меҳмонни яхшироқ кутиб ололмаганиги учун ундан узр сўрмаслик керак. Бу мақтанчоқлик аломати саналади.

Меҳмондан миннатдорлик изҳор этишини кутиб турмай унинг келганлиги учун ташақкур билдириш лозим.

Сукрот унга деди:

— Бу нарсаларнинг барини тўнғиз, маймун ва дарранда хайвонларга ўхшашини хоҳлаган кишиларга ҳавола қилдим. Бундай кишилар ўз қоринларини хайвонлар қоринидек шиширадилар, руҳ иморатини тиклаш ўрнига бадан иморатини тиклайдилар!

Сукрот ўз шоғирдларига насихат қилиб дерди:

— Баттар фақир бўлмай десангиз, мол тўплашга харис бўлманг! Молу амвол ғаму андуҳнинг кўзидир. Адолат энг яхши нарсасидир. Чунки у жамики яхшиликнинг белгисидир. Жабр энг ёмон нарсасидир. Чунки у барча ёмонликни юзага чиқарувчидир!

Бир киши Сукрот олдида ўтирарди. Шу он у киши ўз гуломига:

— Бор, шаробфурушнинг олдига бориб, бир кўза шароб олиб кел, пулини бошқа куни беришга ваъда бер! — деди.

Сукрот унга қараб:

— Яхшиши, нафсингдан илтимос қил, сув ичишга кўна қолсин! — деди.

У айтди:

— Мол-дунё толиби кемада кетаётган кишига ўхшайди. Кемада кетаётган киши чўкиб кетмаётган бўлса-да, бирор фалокат бўлмаса эди деб, доимо кўрқувда бўлади.

Bolalar sporti

ҚУЛАЙЛИКЛАР САМАРА БЕРМОҚДА



Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти азалдан халқимиз турмуш тарзидан мустақам ўрин олиб келган. Аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган чилла, кўпқами, кураш каби соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи миллий ўйинлардан ташқари, замонавий спорт турларига бўлган эҳтиёж ва талаб ҳам тобора кучайиб бораётгани қувонарли, албатта.

Республикамизнинг турли ҳудудларида, аҳолининг барча қатлами, хусусан ёшларни оммавий спортга жалб этиш билан боғлиқ эътирофга лойиқ саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Самарқанд вилоятида ҳам 2003—2012 йиллар мобайнида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 166та спорт иншооти барпо этилди. Бошланган хайрли ишлар жойи йилда ҳам давом эттирилади. Жумладан, 2013 йилда вилоятимизда 5та мусиқа ва санъат мактаби, 7та умумтаълим мактаби учун спорт зали, 1та II ТИП спорт мажмуасини қуриш ҳамда 2та болалар ва ўсмирлар спорт мактабини капитал реконструкция қилиш режалаштирилган.

— Сўнгги 9 йил давомида қурилиб, фойдаланишга топширилган спорт иншоотларига жами 1 миллиард 903 миллион сўмлик махсус жиҳозлар келтирилди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Самарқанд вилоят филиали директори Фурқат Хўжаев. — Бундан ташқари, самарқандлик спортсевар ўғил-қизларга, кам таъминланган оила фарзандларига 1 милли-

ард 200 миллион сўмлик спорт кийимлари ҳам тарқатилди. Шунингдек, Каттакўрғон, Қўшработ, Булунғур туманлари, Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарларидаги спорт масканлари учун 115 миллион 544 минг сўмлик махсус кийим ва жиҳозлар етказиб берилди. Самарқандлик ёшларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган иштиёқини янада кучайтириш борасида қўшимча равишда Пахтачи, Жомбой ва Пастдарғом туманларидаги маҳаллаларда белгиланган дастур асосида спорт майдончалари қурилди ва уларни жиҳозлаш учун 62 миллион сўм маблағ сарфланди.

Жамғарма томонидан амалга оширилаётган мусобақалар, маҳорат сабоқлари тадбирлари ёшларни спортга кенгроқ жалб этишда катта аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда 2012 йилда 25та мусобақа, 4та маҳорат машғулоти, жами 250дан ортиқ турли спорт тадбирлари уюштирилди. Уларда 27800 нафар ўқувчи (12 минг нафари қизлар) иштирок этди.

Қувонарли жиҳатлардан бири, жойларда яратилаётган шароит ва қулайликлар туфайли вилоятдаги таълим муассасаларида турли спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш жараёни ҳам ижобий томонга ўзгарди. Масалан, "Умид ниҳоллари-2012" спорт мусобақаларининг илк босқичига мактаб ўқувчиларининг барчаси қамраб олиниб, беллашуларнинг финал босқичига пухта ҳозирлик кўрилгани ўз самарасини берди. Навоий вилоятида кечган "Умид ниҳоллари"да самарқандлик ўқувчиларнинг умумжамоа ҳисобида фахрли 3-ўринни эгаллаб, Президент совғаси — "Damas" автомашинаси билан тақдирлангани вилоятликлар кўнглини фахру ифтихорга тўлдирди.

2012 йилда хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш мақсадида БСРЖнинг вилоят филиали қошида самарқандлик хотин-қизлар учун спорт-соғломлаштириш маркази ташкил этилди. Айни пайтда бу масканда 150дан зиёд хотин-қиз спорт-соғломлаштириш машғулотларини олиб бормоқда. Бундай амалий саъй-ҳаракатлар жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда.

Ҳақим ЖўРАЕВ

Самарқанд вилояти

ЧАҚҚОНЛИККА ЎРГАТАДИГАН
ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР

ТАЁҚЧАДАН ҲАТЛАБ УТ

(Мактабгача ёшдаги болалар учун)

Ушбу ўйиндан мақсад болаларни тез ҳаракат қилиш, югуриш, сакраш орқали чаққонликка ўргатишдан иборат.

Хонанинг ўртасига 1 метр оралик масофада иккита таёқча ёнма-ён қўйилади.

Хонанинг бир томонида болалар, иккинчи томонида эса стул устида байроқча туради. Тарбиячининг ишорасига биноан таёқчадан 2-3 қадам нарида саф тортиб турган болалардан бири биринчи таёқча томон югуриб боради ва ундан ҳатлаб ўтади. Сўнгра иккинчи таёқчадан ҳам худди шундай ҳатлайди. Стулга яқинлашиб, байроқчани қўлига олиб, уни бошидан юқори кўтариб ҳилпиратади, кейин яна стулга қўяди ва бошқа болаларга ҳалақит бермаслик учун четроқдан ўз жойига қайтиб келади. Шундан сўнг ўйинни кейинги бола давом эттиради.

Агар машқ бир неча марта такрорланганидан кейин жуда осонга ўхшаб туюлса ва болалар бу топшириқни тез ҳамда ишонч билан бажара бошласа, машқни биров мураккаблаштириш ҳам мумкин. Масалан, таёқчалар сонини кўпайтириб, яъни 4—6та ёки бир неча чамбаракни полга ташлаб қўйиб, болаларга унинг устидан ҳатлаб ўтиш таклиф қилинади.

ЭНГ ЧАҚҚОН

(Катта ёшдаги ўқувчилар учун)

Ўйинда 6—8 нафар бола қатнашади. Текис жойга тўнка, ўриндик ёки яшиқ қўйилади. У "тўнка" дейлади. Мусобақани ким биринчи бўлиб бошлаши қуръа ташлаш йўли билан аниқлаб олинади. Болалар "тўнка" устига ўз буюмларини қатор қилиб қўядилар. Сакраша рухсат берилган бола югуриб келиб сакраётган пайтда ўз буюмини илб олишга ҳаракат қилади (расмга қаранг). Илб ололса бир очкога эга бўлади, аксинча бўлса, очко берилмайди. Агар сакраётган бошқа боланинг буюмини тушириб юборса, олдин олган бир очкосидан маҳрум бўлади. Болалар бир неча марта сакрашлари мумкин. Энг кўп очко олган бола ғолиб бўлади ва уни "энг чаққон" деб аташади.

"500 ҳаракатли ўйинлар" китобидан олинди.

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ
"ЭП-КЛАССИКО"

Испания кубоги учун кечаётган плей-офф матчи тобора ўзининг қизгин палласига кириб бормоқда. Хусусан, муҳлислар "Копя дель Рей" кубоги ярим финалидаёқ "Барселона" ва "Реал" клублари қарама-қаршиликка гувоҳ бўладилар.

Чорак финал баҳслари ҳам мурасасизлик борасида томошабинларга ҳақсиз завқ улашди. Айниқса, молиявий инқироз ёқасида турганига қарамай, бир неча турнирда бирдек, юқори "нота"да иштирок этаётган "Малага" клуби "Барселона" жамоасига етарлича ташвиш туғдиришга уринди. Бирок яқунда тажрибалироқ каталонияликлар 4:2 (биринчи ўйин 2:2) ҳисобида зафар қучди.

Иккинчи финал ўйланмаси учун "Атлетико" ва "Севилья" клублари ўзаро куч синашадиган бўлди. 30 январь кўни дастлабки ўйинларни ўтказиш учун барселоналиклар ҳам, андалусияликлар ҳам Мадридга боришса, 27 февралда рақибларини ўз майдонида қабул қиладилар.

ЭНГ СЎНГИ "ЮРИШ"ПАР



Теннис бўйича Мельбурн шаҳридаги қортларда давом этаётган Австралия очик чемпионати ўзининг ҳал қилувчи босқичига етиб келди. Қутилганидек, эркаклар ўртасидаги яқкалик матчларида сербиялик Новак Жокевич финалгача етиб келди.

"Улкан дубулга" туркумидаги "Australian Open" янги мавсум аввалидаги энг нуфузли мусобақа ҳисобланади. Унда қозонилган ҳар бир галаба юксак қийматга эга. Ярим финалда Жокевич испаниялик танкичи теннисчи Давид Феррерни уч сет натижасига қўра, 6:2, 6:2, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Эндиликда Новак финалдаги рақибини қутмоқда. У ё швейцариялик Рожер Федерер, ё британиялик Энди Маррей бўлиши мумкин.

Хотин-қизлар ўртасида ҳам финалчилар аниқланди. Бугун белоруслик Виктория Азаренко ва хитойлик На Ли бош соврин учун қорғта чикди.

ПЛЮШЕНКО МУВОЗАНАТНИ ЙЎҚОТДИ

Таниқли фигурали учувчи Евгений Плющенко Загреб шаҳрида ўтказилаётган Европа чемпионатидан четлаштирилди. Бу ҳақида Халқаро конькида учувчилар уюшмаси (ISU) спорт директори Петер Крпс хабар берди.

Плющенко қисқа дастурли чиқишларини давом эттириб, 74,82 балл тўплади ва олтинчи ўриндан юқори кўтарилмади. Ачинарлиси, у муз устида ҳаракатланаётган вақтда мувозанатни йўқотиб, йиқилиб тушган ва жароҳат олган. Моҳир спортчининг бундай қўпол хатоси барчани хайрон қолдиргани аниқ.

Франциялик Флоран Амодио чемпионатнинг қисқа дастурли чиқишларида 89,82 балл йиғиб, энг яхши натижани кайд этди. Иккинчи ўринга испаниялик Хавьер Фернандес (88,80 балл) кўтарилди.

Биринчиликнинг эркин дастурдаги баҳсларига бугун старт берилди.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидagi А.Авлоний номидagi Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти "Инглиз тили ўқитувчиси" мутахассислиги бўйича педагогик олий маълумотли мутахассисларни касбий ҳамда нопедагогик олий маълумотли мутахассисларни педагогик қайта тайёрлаш курсларига қабул эълон қилади.

Мазкур курсларда ўқитиши хоҳловчилар 2013 йилнинг 28 январидан А.Авлоний номидagi ХТХҚТМО-МИга олий маълумотга эгаллик тўғрисидаги дипломнинг нбтариус томонидан тасдиқланган хусусини, шунингдек, паспорт нухаси ҳамда иш жойидан маълумотномани тақдим этишлари сўралади.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги 246-92-63, 246-06-67, 246-06-55 телефон рақамларига ва avloniy@uzedu.uz ёки mtk2011@inbox.uz электрон манзилларига мурожаат қилиш мумкин.



(Давоми. Боши 11-бетда).

— Келинг, энди "Она ўйлари"га юзланамиз. Портрет марказда онаизор сиймоси. Бир қараганингизда эса ўта жиддий ва кучли. Кўзларида қисматнинг кўргуликлари билан дучлашавериш қотиб қолган гам. Кўллари меҳнатдан қабариб кетган... Ортида эса қишлоқ ҳовлиси. Анчайин кексайган, танаси тилим-тилим ёрилиб қуруқшаб кетган дарахт. Шохлари, япроқлари кўринмайди-ю, деворга барглр сояси тушиб турибди. Умидбахш яшиллик олами...

— Рассомнинг профессионал маҳоратига эътибор қаратсак, нега она кенг далада ёки бошқа бир манзара фониди эмас, айнан хувиллаган ҳовли ўртасидаги супада тасвирланган, деган савол туғилиши табиий. Чунки, бизда она ва Ватан тушунчалари доим ёнма-ён туради. Ҳовли, уй бу — Ватан! Она эса уйнинг чирогини ёқиб турувчи зот. Рассом Ташкент вилоятининг Бўстонлик туманида яшаб ўтган ушбу онаизор аччиқ қисматини яхши билган: унинг фарзанди ҳам, турмуш ўртоғи ҳам уршда вафот этади. Аёл эса уларни умид билан кутади, кутавради...

Рангтасвир санъатининг портрет жанрида чехра, нигоҳлар, юздаги ҳар бир микр ҳолат, кўллр, ҳатто томирларнинг бўртиб туришигача қай тарзда акс этиши ўзига хос "вазифа"ни бажаради. Шу нуқтаи назардан қарасак, асардаги онанинг боқишларидан жуда кўп руҳий изтироблар чекканини пайкаш қийин эмас. Раҳим Аҳмедов одам анатомияси ва психологиясини синхизлаб ўрганган ижодкор. Ундаги ана шу билим мўйқалам устаси сифатида маҳорат билан ижод қилишига замин яратган. Хусусан, ушбу асар қаҳрамонининг нафақат кўзлари, салқиб қолган қабоқларида ҳам қалб ва вужуд чекаётган азиятларнинг изини кўрмоқ мумкин. Онаизор ҳеч қачон уйкуга тўйиб, ором олмаган. Унинг сиймоси орқали муаллиф уруш йиллари фронт ортида меҳнат қилганларнинг машаққатли турмуш тарзини ҳам баён эта олган. Агар асарга синхизлаб қарасангиз, она гапирмоқчидай, лекин юраги тўла-ю, тўкиби соломмайди.

Унинг аламлари, армонлари бисёр. Юрагини дардлар эзади-ю, ичига ютаверади. Балки тингловчи йўқдир, эшитгувчиларнинг гамлари уникидан ҳам зиёдадир... Кекса дарахт — бу аждод-

— Ҳар гал ушбу портретни кўрганимда онаизорнинг эғнидаги ҳаворанг кўйлак эътиборимни тортади. Ёқалари, энгларни, этакларининг қатлари оқиш кўйлак муштдекки-

олдинда. Сабр-бардош билан ҳамма нарсага эришиш мумкин..." деган таъкид ҳам бор. Зебу зийнатлар — декорация, қолаверса, хурсандчилик мазмунда ишлатилиши мумкин. Лекин бу ерда

ча бўртиб туриши, бир жуфт болишга суянганча "Ох, бу дунёнинг ишларини..." дея ич-ичидан озорланаётгани, унинг оғир йўлни босиб ўтганини сўзсиз ифодаб турибди. Лекин қадди тик. Ёстиқлар оппоғу, бир бурчидан қип-қизил лоладек жилди кўриниб турибди. Бунда қандай маънолар жам?

— Ҳақиқатан ҳам Раҳим Аҳмедовнинг бу қаҳрамони меҳнат қилиб толмайдиган, сабр-тоқатли ва энг асосийси, МАТОНАТЛИ аёл. У нене қийинчиликларни кўрган, Лекин боқишларида сокинлик ва вазминликни ҳам топасиз. Кўлларини тиззала-рига қўйганча қаддини тик тутиб туриши эса, иродаси ниҳоятда кучли, ҳар қандай машаққатларга дош бера олишидан далолат беради. У она — унинг сиймосида ўз бахтини, саодатини, ҳурлигини катта жасорати, ақлу тафаккури, ғурури, ору-ориёти билан яратган онажон Ўзбекистонимиз, забардаст халқимизнинг сурати, сийрати мужассам. У нафақат она, у ҳам эркак — ота, ҳам оиланинг суянчи, келажаги, давомчиси бўла олгучи фарзанд тимсолини ўзида жамлаган! Бир қарасангиз, боқишлари мулоим, би қарасангиз, қошлари чимирилган, жиддий. Бир қарасангиз, ҳориб-толиб кетгандайин, бир қарасангиз ҳали жуда кўп ишларга қодир!

Портретда рассомнинг профессионал етуқлиги рангларни ўринли танлай билишида ҳам намоён бўлади, ҳеч бир ранг бир-бирини сиқиб чиқармаган, аксинча бойитган. Болишларнинг оппоқлиги онанинг қалбиди беғуборлик. Ҳамиша покиза яшашга урингани. Ортида оппоқ, бўрчисиз излар қолаётгани. Гурчидаги қизгалдоқранг эса жудоликлар, тўкилган кўз ёшлари, юракнинг қайғуларини...

УМР ЎТКИНЧИДИР, ҲАЁТ АБАДИЙ

"Она ўйлари" нима ҳақида сўйлайди?



ларимизга ишора, кўна ва бой тарихимиз. Анъана ва қадриятларимизга собитлигимиз. Илдизларимизнинг бакуватлиги. Дарахт қурилиш мўйқалам устаси сифатида маҳорат билан ижод қилишига замин яратган. Хусусан, ушбу асар қаҳрамонининг нафақат кўзлари, салқиб қолган қабоқларида ҳам қалб ва вужуд чекаётган азиятларнинг изини кўрмоқ мумкин. Онаизор ҳеч қачон уйкуга тўйиб, ором олмаган. Унинг сиймоси орқали муаллиф уруш йиллари фронт ортида меҳнат қилганларнинг машаққатли турмуш тарзини ҳам баён эта олган. Агар асарга синхизлаб қарасангиз, она гапирмоқчидай, лекин юраги тўла-ю, тўкиби соломмайди.

на бўлиб қолган аёл вужудини ўраб, ерга тўкилиб, йўқ, оқиб ўтаётган дарёга ўхшайди. Унинг қулоғида номига бўлса-да зирак ҳам, бармогининг бирортасида узук ҳам кўрмайсиз. Нега кўйлакнинг ранги айнан ҳаворангда берилган?

— "Дарё" таърифини ишлатишингизда жон бор. Шунингдек, мовий ранг мусаффо осмон, сувни ифодалашда кўп қўлланилади. Кўйлакнинг ҳаворангда берилиши — бу умрнинг ўткинчи, худди сувдек оқиб ўтиб кетиши, ҳаётнинг эса абадийлигига, онаизорнинг умри, қалбининг мусаффолигига ишора. Яна бир томондан бунда "Бу қийинчиликлар ҳам ўтади, ҳали нурли келажақ

рассомнинг асл мақсади онанинг бой, бебаҳо руҳий оламини яратишдир. Қора камзўлча миллий либос. Эътибор берсак, асар тасвирида ўзбек хонадонларида фойдаланиладиган қалампирмунчоқ, исирёқ ёки тумор каби бирор-бир элемент акси йўқ. Чунки ҳар бир детал асар мазмунини бойитиши ҳам, ва аксинча, ўринсиз ишлатилганда эътиборни чалғитиб, унинг гоёсига салбий таъсир этиши ҳам мумкин. "Онанинг ўйлари" эса хувиллаб қолган ҳовли ва бўм-бўш кўнгли, узундан-узоқ азобли ўйлар, адоқсиз халларнинг ифодасидир.

— Инсонни, айниқса, аёлни меҳнат чарчатмайди, ҳоритмайди, уни айрилиқлар, гам қаритади, дейдилар. Портретдаги Онаизор юзларидаги сўлғинлик, озиб кетганидан бармоқларидаги суякларига-

Азиз газетхон, "Она ўйлари" сизни ҳам биз сингари таъсирлантириши, бу ўткинчи дунёда шу мунис ва муштипар она мисоли муносиб яшаб ўтиш хусусида хаёллрарга толдиришига ишонандиз. Зотан, асарнинг қуввати, қиймати ҳам шунда! Биз фарзандларимизни китоб ўқишга ундаш хусусида кўп бора бахс юритамиз. Санъат асарларининг дунёсига кириб бора олишлари учун болаларимизни кичиклигиданоқ кўргазмалар, музейларга етаклаб бориш ҳам улар маънавий оламини бойитишда мутолаадек муҳим ва аҳамиятлидир. Шу мақсадда ташкил этилаётган суҳбат-сабоқларимизнинг навбатдагисидида миниатюра жанри, тасвирий санъат усталари асарларида Алишер Навоий образи ва унинг шоҳ битикларига ишланган миниатюралар хусусида фикрлашамиз.

Ойбуви ОЧИЛОВА

<p>Ma'rifat</p> <p>TA'SIS ETUVCHILAR:</p> <p><i>O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rtta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.</i></p>	<p>Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV</p> <p>Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.</p>	<p>Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.</p> <p>ISSN 2010-6416</p> <p>9 772010 641009</p> <p>INDEKS: 149, 150. Г-118. Tiraji 68198. Hajmi 4 bosma taбоq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.</p>	<p><i>*Ma'rifat-dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.</i></p> <p><i>Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.</i></p> <p>MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.</p> <p>Web-site: www.marifat.uz</p> <p>TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari ta'lim bo'limi — 236-54-69, na'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.</p>	<p>Bahosi sotuvda erkin narxda</p> <p>Dizaynerlar: Timur KAYSAROV, Lilya BINASHEVA.</p> <p>Navbachi muharrir: Sanjar RUSTAMOV.</p> <p>Navbachi: Jo'rabek JANGIROV.</p> <p>*Sharq* nashriyat-matbaa aksionerlik kompaniyasi bostmaxonasi.</p> <p>Korxonadan manzili: «Buyuk Turo» ko'chasi, 41-uy</p> <p>ЎзА якуни — 22.45 Topshirildi — 23.45</p>
	<p>12 45</p>			